

Жумагул СУВОНОВА

ТУПРОҚ  
ИСИ

*Шеърлар*

ТОШКЕНТ  
“ADIB”  
2014

ЎДК: 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)  
С95

**Сувонова, Жумагул.**  
С-95      Тупроқ иси: шеърлар / Ж. Сувонова. – Тошкент: “ADIB”, 2014. – 176 б.

Жумагул Сувонова ижодида Ватан, табиат, инсон руҳияти, аёл дунёси, унинг ички кечинмаларини куйлаш асосий аҳамият касб этади, эзгулик ва некбин инсоний туйғулар тараннуми ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Шоира қисмат тўфонларига қарши бориб, ғамдан қувонч, изтиробдан шодлик ахтаради. Бу жиҳатлар унинг бутун ижодий фаолияти давомида дарднинг шаклу шамойилини тасвирловчи лирик кечинмага айланиб, ижодкор менлигини акс эттирувчи омил бўлиб хизмат қиласади.

ЎДК: 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)

ISBN 978-9943-4278-5-3

© Ж. Сувонова, 2014  
© “ADIB” нашриёти, 2014

## **САМАРҚАНД**

Сиз орзулар қиласиз, ахир,  
Шоҳидисиз не-не аҳдларнинг.  
Бир кўришга интиқ дунё бор  
Самарқанддек мовий шаҳарни.

Юксалади йиллар ва йўллар,  
Буюкликка молик юртлар бор.  
Ер шарининг қоқ биқинида  
Самарқанддек қадим шаҳар бор.

Фавворалар, бинолар кўркам,  
Қишлоқ – шаҳар, тун – чироқлари.  
Элу юртга ғуур бахш этиб  
Шовуллайди Темур боғлари.

Авлиёлар қадами теккан,  
Анбиёлар туроби шунда.  
Дон ташласанг буғдой унади,  
Ризқ бўлади элга уч кунда.

Ёшлиридан бештаси юрса,  
Ютуғи бор ҳар тўрттасида.  
Нур таратар қитъага шу юрт  
Осиёнинг қоқ ўртасида.

Ҳар тонг нурга чулғониб мен ҳам,  
Шукроналар ўқиб сахарда,  
Яшаяпман мисоли қуёш –  
Самарқанддек мовий шаҳарда.

## **ТУПРОҚ ИСИ**

Шу мuatтар тупроқ сувратин  
Жон-жонимга солиб юрибман.  
Унда неки бўлса, барини  
Нигоҳимда олиб юрибман.  
Йўлим буриб ўзига томон,  
Ҳаёт мени тортиб боради.  
Қанча узоқлашсам, тупроққа  
Шунча меҳрим ортиб боради.  
Неки ифор чорласа бари,  
Не тароват ёзса исмини –  
Ҳеч биттаси босолмас отам  
Қучиб ётган тупроқ исини.  
Шу тупроқнинг гардиман, ахир,  
Орзуларим йўли...  
Қисқаси...  
Келганимдан буён ёзганим –  
Тупроққа туташиш қиссаси.  
Севгимни ҳам, озоримни ҳам  
Ёзаяпман,  
Қўлларим толиб.  
Бораяпман  
Мангу эзгулик  
Диёрига бошимни олиб.

\* \* \*

Йўлларим  
Азобга қоришган эди,  
Кўзимда ёш билан  
Енгдим барини.  
Меҳнат, мاشаққатлар  
Хоришган эди,  
Бошимга солиб  
Дард, ситамларини.

Барчаси ҳеч эди,  
Барчаси ожиз –  
Ҳисобин битяпман  
Ўтган ҳар дамни.  
Лек ёзолмаяпман  
Сўнгсиз бир оғриқ  
Чангаллаб турганин  
Бугун ёқамни.

\* \* \*

Толмоқда  
Вужудим банду бандида  
Тирик томиримнинг  
Ҳар бир толаси.  
Эртага  
Тупроққа  
Энгашиб қўяр  
Шу юртнинг  
Юраги ойдин боласи.  
Эртага...  
Ҳа, яна келади эрта,  
Кифтимдан тоғларни  
Қўяман  
Суриб.  
Тупроқда  
Кўнглимни очаман сизга,  
Тупроқнинг  
Юраги бўлиб,  
Қулф уриб.

## **БАХОР**

Баҳор келди, яна самовот  
Табиатни суюб сийлади.  
Қурт инидан осмонга қадар  
Борлиқ ҳофиз бўлиб куйлади.  
Ялпиз, жағжағ, исмалоқларнинг  
Атру бўйи кетди сочилиб.  
Тилга кирди ҳатто тошлар ҳам,  
Қулф юраклар кетди очилиб.  
Боғлар кўз-кўз қилиб борини,  
Чиройига маҳлиё этар.  
Менинг эса кўзу қўксимдан  
Баҳорнинг шод йўлаги ўтар.

\* \* \*

Омонжоним омон бўлсин,  
Соф бўлсин,  
Нихол экса унсин –  
Юрти боғ бўлсин.  
Қад ростласин  
Отасининг ортидан –  
Лочин тутсин,  
Баҳт билан  
Ўртоқ бўлсин!..

\* \* \*

Бу уммон нақадар баҳайбат,  
Нақадар тиник ва тубсиздир.  
Бир ғаввос қирғокда ўтириб,  
Саралар марварид-жавоҳир.

Бу уммон нақадар сокин ва  
Ҳаётбахш, биллурдек товланар.  
Бир ғаввос кўксини бурдалаб,  
Уммонга этади совғалар.

Бу уммон гоҳида эврилиб,  
Гоҳида ястаниб, оқар тик.  
Унинг дард қавартган бағрида  
Эзгулик улғаяр, эзгулик.

Бу уммон, яхшиям, мангудир,  
Яхшиям, дўст тутар қуёшни.  
Йўқ эса ким илғай оларди  
Қирғокда ўтирган ғаввосни.

Бу уммон нақадар баҳайбат...

## **ТАБАССУМ**

Сув бўлиб кўксингга  
Тўкилдим доим,  
Гоҳ тун, гоҳ нур бўлиб  
Сочингга кўндиним.  
Замин, юрагингга  
Етиб боргунча,  
Ҳар гал қайта-қайта  
Жонингда ундиним.  
Ям-яшил чиройинг,  
Кирмизи лабинг,  
Ишқинг уммонига  
Сўроқсиз кирдим.  
Сенинг жамолингда  
Очилмоқ учун  
Тоза тупроқ бўлиб  
Табассум қилдим.

\* \* \*

Олислардан күй саси келар,  
Чанқовузнинг ғамзаси келар.  
Адиrlардан, қирлардан чопиб,  
Она юртим нафаси келар.

Бешигида боласи билан,  
Кўпчиб турган даласи билан.  
Дилни чорлаб, тоғу қирларга  
Сочиб кўйган лоласи билан.

Чарақлаган кўзлари билан,  
Тифдай кескир сўзлари билан.  
Юракларни ёндирган олов,  
Куйдирмажон қизлари билан.

Ялпизларин ифори билан,  
Сумалакнинг хумори билан.  
Боғларини эркалаb хандон  
Кучаётган шамоли билан.

Чиройининг закотин тўлаб,  
Севгисига садоқат сўраб.  
Эгнидаги ям-яшил, ҳарир  
Кўйлаклари келар ҳилпираб.

Олислардан күй саси келар,  
Чанқовузнинг ғамзаси келар.  
Адиrlардан, қирлардан чопиб,  
Она юртим нафаси келар.

\* \* \*

Бир кун бошим деса,  
Бир кун оёғим,  
Амаллаб ўзини йўлга солади.  
Қанча назар солса,  
Шунча ҳаётнинг  
Мехру шафқатидан  
Сабоқ олади.  
Адоғсиз шукронда қилади яна,  
Агар қаҳр қилса  
Бандаси ожиз.  
Ўзига тасалли бериб боради,  
Юрганларни кўриб  
Бошсиз...  
Оёқсиз...

\* \* \*

Бир кечада сочи оқарди,  
Кўзлари жиққа ёш кечанинг.  
Ҳаёт кўзин очиб юборди,  
Лаблари қонаган ғунчанинг.

## **БАГРИНГИЗДА ЎССИН БОЛАНГИЗ**

*Фарзандидан воз кечган оналарга*

Ўзингизга хиёнат қилманг,  
Қийнамасин ҳар кун ярангиз.  
Қалбингизни қувончга чулғаб,  
Бағрингизда ўссин болангиз.

Ўзбекона ҳашамлар қилинг,  
Буғдойларга тўлсин далангиз.  
Қўрғон бўлинг ниҳолингизга,  
Бағрингизда ўссин болангиз.

Сен ўкинчсан, маломатсан деб,  
Тақдирига битманг нолангиз.  
Мехрибонлик уйларида мас,  
Бағрингизда ўссин болангиз.

Баҳор бўйи боғларда чопиб,  
Атир сочсин гулу лолангиз.  
Эзгуликлар эшигин очиб,  
Бағрингизда ўссин болангиз.

Беринг бироз ишқ ва оқибат,  
Суханига суртманг волангиз.  
Нондан азиз, умрдан азиз,  
Бағрингизда ўссин болангиз.

Тупроғига меҳрини қўйсин,  
Толеига тугсин толангиз.  
Бир юрт бўлиб, битта эл бўлиб,  
Бағрингизда ўссин болангиз!

## **ДУШМАНИМГА**

Мен яхши эмасман –  
Сен ҳам ёмонмас,  
Ахир кетаяпман  
Уфққа қараб.  
Менинг кетишим ҳам,  
Азиз душманим,  
Сенинг бир корингга  
Қолади яраб.  
Шунда ҳам сен мени  
Тинч қўймайсанми?  
Шунда ҳам ортимда  
Юрмайсанми тек?..  
Мен кетсам ҳам сенга  
Кучоқ очаман,  
Менинг тупроқдошим  
Келаяпти деб!..

\* \* \*

Чексиз уммон,  
Чексиз ташналик,  
Саробми бу – ҳовуч тўлмайди?  
Қанча боқма,  
Қанча сипқорма,  
Чанқоқни қондириб  
Бўлмайди.  
Жимиrlайди  
Борлиқ симобдек,  
Шивирлайсан  
Кўнглинг бўлмай тўқ.  
Бу дунёнинг сенга бергулик  
Дардан ўзга  
Ҳеч вақоси йўқ.  
Товонингдан  
Сочинггача дард –  
Шу тақдирни  
Зарурат билиб,  
Одимлайсан  
Сахро...  
Ташналик...  
Барчасига  
Қаноат қилиб.

\* \* \*

Дарахтлар  
Энг олий мўъжиза,  
Улар чин  
Кудратли мавжудот.  
Хар баҳор  
Уларнинг кўксига  
Гуллайди  
Минг йиллик хотирот.  
Дарахтлар,  
Кўнглимнинг кўксини  
Соянгиз  
Пойига тўшайман.  
Гар насиб айласа яшамоқ,  
Мен сиздан ўрганиб  
Яшайман.

\* \* \*

Шамол бошин уради боққа,  
Талмовсирар дарахтлар беҳол.  
Зардасини сочиб ҳар ёққа,  
Ғичирлайди кекса боботол.

У шамолга бўй бергиси йўқ  
Ва илтифот кутар осмондан.  
Тол ишига қилиб қасдма-қасд,  
Шамол бўса олар райхондан.

\* \* \*

Кетар бўлсам,  
Кетсам тўкилиб,  
Ғалаёнлар тинади албат.  
Дунё тинчиб қолган парчасин  
Рангига кўз ташлар бир муддат.  
Оппоқ бўлар тобутимдан то  
Кўзларимни ёпган қўлгача.  
Эргашади ортимдан осмон  
Алмисоқдан қолган йўлгача.  
Чопиб келар дараҳтлар, толлар –  
Тепасига тугунин олиб.  
Бошларига оппоқ ридою  
Эгнига оқ ёпинчиқ солиб.  
Аёлларнинг садоси синар,  
Тобуткашлар боради тезоб.  
Қизим “До-о-од” деб ўзини ураг,  
Кетишимдан чекиб изтироб.  
Ёлғиз ўғлим ёнидан борар  
Жон-жигарлар, хешу ақрабо.  
Факат жим-жит кузатиб қолар  
Нигоҳини яшириб дунё.  
Ҳаёт рангу тусин йўқотиб,  
Аччик-пичинг қиласар тақдирга.  
Юмушини қирларга отиб,  
Йўлга тушар мен билан бирга.  
Эргашади бутун мавжудот,  
Ҳатто шамол четда қолмайди.

Лек ҳеч бири мен билан ернинг  
Тирқишидан ўта олмайди.  
Қолаверар менингсиз бари,  
Айрилиқдан ўзин йўқотиб.  
Кетар бўлсам, ўтган кунларим  
Бу дунёни қолар юпатиб.

\* \* \*

Баъзан ғолиб келади ҳаёт,  
Тутиб турар ақлингни – тутқун.  
Қўлга олар жисму жонингни  
Ўз-ўзингга едирмоқ учун.

## ДАРД

Қувват керак, шижоат керак  
Отга қамчи урмоқликка ҳам.  
Бугун ҳатто мадоринг етмас  
Дўст ёнида турмоқликка ҳам.

## ТУПРОҚ ТАБАССУМИ

Узок юрдим  
Кўкка шайланиб,  
Ер қадрини энди биляпман.  
Бир сиқим тупроқقا айланиб,  
Дунёга  
Табассум қиляпман.

\* \* \*

Баъзан хеч кимсани  
Кўргим келмайди,  
Хеч кимга айтгим ҳам  
Келмайди сўзим.  
Бир дам узоқлашмай,  
Бир дам айрилмай,  
Ўзимга ўрганиб  
Қолганман ўзим.  
Баъзан майсаларга  
Кўшилиб куйлаб,  
Суви зилол, жонбахш  
Булоқ бўламан.  
Тангрим, даргоҳингнинг  
Бир мўъжизаси,  
Ҳар зарраси ҳаёт –  
Тупроқ бўламан.  
Бўламан бир кичик  
Ҳолатда пайдо,  
Дунёларга татир  
Катта ҳодиса.  
Тўкилиб-тўкилиб  
Шеър бўламан, сўнг  
Эл севиб ўқиса,  
Бир эл ўқиса...

\* \* \*

Анча узок юрдим  
Чанг-түзон кечиб,  
Сўзимни фараҳли  
Муродга йўйдинг.  
Тангрим, қўлларимга  
Улгу олсин деб,  
Энчи қилиб қофоз –  
Қаламни қўйдинг.  
Анча узок юрдим  
Бу оташ йўлдан,  
Тонг отар қуёшни  
Кўчириб оқقا.  
Четроқ ўтай десам  
Ёнимга тушиб,  
Уришқоқ чақмоқлар  
Йиртишар ёқа.  
Йўл бўйи  
Сочимга ёпишиб олиб,  
Бири узоқлашса,  
Бошқаси қайтар.  
Юлдузлар – оқшомнинг  
Милтироқлари,  
Шомдан саҳаргача  
Топишмоқ айтар.  
Анча узок юрдим  
Юрт, тоғлар оша,  
Бир мунаvvар манзил

Тортди қүёшдай.  
Манзилга етдим деб  
Атрофга боқсам,  
Ҳали ҳам бир жойда  
Турибман тошдай.  
Анча узок юрдим,  
Чанг-тўзон йўлдан...

\* \* \*

Мен мовий, мусаффо кенглиқдек,  
Кўкману кўксим доғ ситамдан.  
Бир умр мен сенга талпиндим,  
Сен менинг дардимдек гўзалсан.  
Гоҳо нур, гоҳо сув, гоҳ ҳаво –  
Ҳаётдек, ярқираб яшнадим.  
Заминим... Сен учун борлиқдан –  
Тўрт фасл тўкилиб яшадим!..

## **УСТОЗЛАР**

Жамалаксоч қизча эдим мен,  
Бир бегубор қушча эдим мен.  
Чўкиб китоб-қофозларимга,  
Чопар эдим устозларимга.

Мактаб эди мен учун ҳаёт,  
Устозларим ўгити қанот.  
Орзу – баҳтни қучар эдим мен,  
Осмонларда учар эдим мен.

Қўл ушлашиб ой-йиллар ўтди,  
Баҳордек шўх фасллар ўтди.  
Чопа-чопа толдим, устозлар,  
Мен улғайиб қолдим, устозлар.

Олавериб сабоқлар турин,  
Тоғдек дардли нигоҳ бўлдим мен.  
Замин узра тўкилаётган  
Жуда улкан сабоқ бўлдим мен.

Ўз-ўзимга суяниб, бир-бир  
Одимлайман, оёқларим чўғ.  
Бу дунёда энди мен учун  
Яшамоқдан оғир юмуш йўқ.

Жамалаксоч қизча эдим мен...

\* \* \*

Бир сафга тизилиб,  
Сап-сарық, ял-ял,  
Зар ҳал рўмолига  
Ўраб ўзини,  
Узоқ йўлга тушар,  
Тераклар  
Жим-жит,  
Кузак шамолига  
Тутиб кўксини.

\* \* \*

Кимдир қорни қоқиб келаётгандай,  
Нохуш гуппиллайди оёқ товуши.  
Бир зумгина титраб, юрагим ҳадик –  
Хавотирлар билан кетар қовушиб.

Яна ўзингмисан, тўрт томонимдан  
Ҳар қадамда менга панд берган ҳаёт?  
Аввал тортиб олиб бори будимни,  
Энди нима бериб этмоқчисан шод?..

\* \* \*

Күркінчли бир алпоз  
Тушимга кирдинг,  
Оёғингни тортиб  
Ололмай құмдан.  
Телбавор жовдирағ  
Туарар күзларинг,  
Күлларингни чўзиб  
Коронгу тундан.  
Босриқиб уйғондим,  
Яна...  
Қиёфанг...  
Бу тушнинг таъбириң  
Нимага йўяй?..  
Ташқарига чиқдим,  
Тангрим,  
Сирингни –  
Қайси бир тошингга  
Бостириб қўяй?!.  
  
Күркінчли бир алпоз  
Тушимга кирдинг...

\* \* \*

Қиртишлайсан, эзасан  
Минг хил –  
Мөхнатингга баҳона топиб.  
Үлар-кетар дунёга бунча  
Ёпишасан ўзни йўқотиб.

\* \* \*

Тўхтагандек бўласан бирпас,  
Кетаяпсан мени тарқ этиб.  
Охирги кун, охирги нафас  
Келгандайин фурсати этиб.  
Тўхтагандек бўласан бирпас,  
Наҳот сўнгти томчини ичдинг.  
Ҳаёт, сенинг тўхташинг ўйлаб,  
Чироқ ёқса ёришмас ичим.

\* \* \*

Мен идрок этяпман,  
Қанчалик бойман.  
Аслида бисотим  
Қадимий эди.  
Пулга чақиб бўлмас  
Бу тенгсиз бойлик  
Бундан илгари ҳам  
Бўлган меники.  
Мен идрок этяпман,  
Тушуниб етдим –  
Шунча вақт бепарво  
Юргандим нега?!

Бугун шу тупроқ ва  
Унинг дардига  
Эгалик хуқуқи  
Ўйғонди менда.  
Бу шунчаки гапмас –  
Кундуз топиниб,  
Тунлари ухламай  
Чиқаман бедор.  
Энди бир сиз эмас,  
Бутун дунёга  
Мағрур айтадиган  
Кўшиқларим бор.

\* \* \*

Гоҳ қушларга қўшилиб учсанг,  
Кўк яраса баланду пастга.  
Бута босган жойини сийпаб,  
Ер кўз ташлаб қўяди аста.

Гоҳ юлдузга етган чофингда,  
Ё қуёшга туташса елканг,  
Разм солиб бош-оёғингга,  
Ер кўз ташлаб қўяр шунда ҳам.

Қайга борма, қанча югурма,  
Ўзиб кетсанг душман, дўстингдан,  
Ғолибман! – деб жар солганингда,  
Ер жилмайиб қўяр устингдан.

Бир ўйлаб кўр, каму кўстингни  
Ногоҳ қўриб қолса нима дер?..  
Ўзингга боқ, ўзингни ўнгла!  
Қаҳ-қаҳ отиб кулмасидан ер...

\* \* \*

Бу дунёning кирдикори кўп,  
Ҳаммаси ҳам кўзга кўринмас.  
Ўтаётган куннинг кўнгли тўқ,  
Хожатига ярай олсанг бас.  
Мен барини тушуниб қолдим,  
Ўзимни мос тутаман энди.  
Балчигига оёғим босмай,  
Нарироқдан ўтаман энди.

\* \* \*

Сиз қайси кун келдингиз менинг  
Кундузимни қилиб намозшом.  
Сизсиз ҳам тинч яшаётганди  
Умрим инкор айлаган ором.  
Энди оёқларим остига  
Тун юлдузлар ашкини элар.  
Энди қамчисини ўйнатиб,  
Азоб мени ахтариб келар.

\* \* \*

Мени кимдир билар, кимдир билмайды,  
Сүзимга харидор бўлиб қолсалар.  
Балки қидирганлар топишар бир кун,  
Шеърият юртидан хабар олсалар.

\* \* \*

Ўзинг ягонасан, ўзинг бекиёс,  
Мен ҳануз зикрингни қилиб юрибман.  
Бир жойда ўтирган бўлсам ҳам, илло,  
Дунё аъмолини кўриб турибман.

Таъна-маломатдан йироқ қилмишим,  
Қанча юк юклама, малолли эмас.  
Яшаб тўйганим йўқ, чарчаганим йўқ,  
Кў-ўп яша! деб ўзинг дуо қилсанг бас.

\* \* \*

Вақтимни  
Тиллога алишмасдим мен,  
Уни шамолларда  
Совураяпман.  
Учиб кетаяпти, ким қайдан тутар,  
Ким қай дўсти билан  
Тақсимлайди тенг.

\* \* \*

Отамдан  
Катта мулк қолганди менга,  
Отагинам менинг –  
Рухи равоним!..  
Қай бирини айтай,  
Қайси бирини?  
Она ериними,  
Мовий осмонин?!.  
Хануз ардоқлайман  
Сидқи дилимдан  
Жамики борини,  
Жами ҳисларин.  
Бойлиги-ку бойлик –  
Қайғу...  
Меңнат...  
Дард...  
Хатто ҳақ йўлида  
Қилган ишларин.  
Ҳаммаси отамдан  
Қолган давлатим,  
Изоҳлагим келмас  
Ундей-бундай деб.  
Фақат тугатяпман  
Энг катта мерос –  
Йўқчиликларини  
Бир четидан еб.

## **УМИД**

Зулмат фариштаси қўлингдан тутса,  
Тинмай шивирласа эски эртакни,  
Қабристон ёнидан бош эгиб ўтсанг,  
Тупроқ тилга кирса эзид юракни.  
Шитоб етакласа боғлар бағрига,  
Умид кўзин очса юракда яна.  
Қанча тўкилмагин, қанча тинмагин,  
Узилмаган ришта қилса тантана.  
Нега тутқун бўлиб тўлғонар азал,  
Умидни заминга сочиб юборинг!  
Қийғос гулга кирсин одам-дараҳтлар,  
Юракнинг эшигин очиб юборинг!  
Равшан маёқ тутиб чорласа умр,  
Аламлар нур билан қоришиб кетса,  
Қанчалик қоронғу бўлмасин бу йўл,  
Битта умид билан ёришиб кетса.  
Йиқилсанг эгнингни қоқиб қўйгувчи,  
Тақдир тўфонида йитмас, енгилмас,  
Яшасанг –  
Яшашга етаклагувчи  
Умид каби дўстинг тирик бўлса бас!..

\* \* \*

Ватан учун  
Яшаяпман мен,  
Гир атрофим ҳаётбахш – эртак.  
Ватан,  
Тўқис бўлишинг учун  
Мендан қанча фидолик керак?..  
Ватан учун  
Яшаяпман мен,  
Ботинимда ола йўқ, илло...  
Тухфа этиб ҳаётга мени –  
Ватан қилиб яратди худо.  
(Аслидаям шундай эмасми?)  
Шунинг учун мағрур – тўламан.  
Сиз дунёга тирмасиб яшанг,  
Мен тўкилиб, тупроқ бўламан.  
Ватан учун  
Яшаяпман мен!..

\* \* \*

Яшаяпсан –  
Бугун мен йўлда,  
Тўрт тараф шод,  
Юраклар бутун.  
Мен тинимсиз  
Йўл тортаяпман,  
Ҳаёт, сенинг  
Яшашинг учун.

\* \* \*

Туннинг пардасини йиртиб ҳайқирад  
Зулмат жанггоҳида тўлғонган ҳайрат.  
Яхшиям, ҳамма тинч, ҳамма уйқуда,  
Яхшиям, ҳамманинг эшиклари банд.

Тўшаклар тўзғийди, жилдлар титилиб,  
Яна сукунатлар беради жаранг.  
Бир лашкар тонгларга умрини тикиб,  
Қоп-қора тун билан қилаяпти жанг.

Лашкар ёй тортади, сермайди қилич,  
Сўзлар бош кўтарар, юрак хун бўлар.  
Бугун ҳам зулматни енгиб чиқолса,  
Тонг отар, эртага ёруғ кун бўлар.

Балким миллион юрак уйғониб кетар,  
Балким миллион дилни этади озод.  
Балким бош кўтарар замин қўксидан,  
Юз минглаб ўтганлар руҳи бўлиб шод.

Бир умр тунларни йиртиб, отқилаб,  
Бир лашкар тиф тортар зулмат қасдида.  
Бир садо, бир жаранг кучайиб борар  
Битта юрт – мудраган осмон остида.

Кучайиб боряпти аланга тафти,  
Ажал ёқасидан тутмаса агар,  
Ҳамма ҳайрон қолар эшигин очиб,  
Мунаввар уфқдан нур ёғар сахар.

Бугунча сукунат пардасин йиртиб,  
Туннинг чангалида тўлғанар ҳаёт.  
Бугунча дунёни оёққа суриб,  
Ғафлат тўшагида ухлар одамзод.

## **ТИНЧЛИК**

Тилимизнинг улуғ каломи – тинчлик,  
Сенинг баҳтинг, менинг илҳомим –  
тинчлик.

Бебақо дунёни сўроққа тутса,  
Унинг тенгсиз буюк имкони – тинчлик.  
Сендан меҳрин дариф тутса ҳам жаҳон,  
Тинчликнинг қадрига етгин, болажон!  
Кирмизи лолалар, ям-яшил майса,  
Япроқ шабнамларга юзини чайса.  
Тупроқ тилга кирса бошин кўтариб,  
Сенинг юрагингда қувонч улғайса.  
Сен бир ён, бир томон бўлса ҳам жаҳон,  
Тинчликнинг қадрига етгин, болажон!  
Тинчлик – онажонинг яратган гулшан,  
Отанг ҳам, аканг ҳам умрини тиккан.  
Сенинг кўкрагингни кўтариб, бугун  
Қаторларга қўшар муқаддас ВАТАН.  
Бошингга тиллолар тўкса ҳам жаҳон,  
Тинчликнинг қадрига етгин, болажон!

## **ЯХШИЛАР ЁДИ**

Яхшиларнинг эл оғзида  
Оти қолар,  
Хотирадан ўчмас бўлиб  
Ёди қолар.

Тиригид яшар қўллаб  
Тўрт тарафни,  
Ўтганда ҳам бардавом  
Ҳаёти қолар.

Қоғозлари ва қалами  
Қолар абад,  
Хос ҳол бўлиб кечмиши,  
Ижоди қолар.

Яхшилардан юрт қолади  
Дейишар, рост,  
Юртга қалқон бўлгудек  
Қаноти қолар.

Кимдир яшар бўлиб  
Жаҳон оввораси,  
Кимнинг эса умр йўлин  
Тоти қолар.

Эзгуликка эш бўлади  
Тоза юрак,  
Юракларда эзгулик  
Бунёди қолар.

Етти иқлим сўраса гар  
Аждодини,  
Руҳини шод этгудек  
Авлоди қолар.

Илму урфон тоғи баланд,  
Чўққисини  
Ургудайин забардаст  
Зурёди қолар!..

\* \* \*

Кетаяпман жимгина,  
Дард дилимни тиғлайди.  
Баъзида шўх қийқириб,  
Баъзан унсиз йиғлайди.  
Қийналаман киёлмай,  
Тўрт ёнидан тортқилаб,  
Дунё тор пойабзалдай  
Оёғимга сифмайди.

## ОЙСУЛУВ

*Сулув қизим Роҳилага*

Осмонларни бошига  
Қадаб олган Ойсулув.  
Үз жонига ўзи ўт  
Қалаб олган Ойсулув.

Юлдузларни эгнига  
Кийиб олган Ойсулув.  
Бахт йўлида юраги  
Куйиб қолган Ойсулув.

Ана, қанча гулларнинг  
Кўзида ёш, Ойсулув.  
Ё бугунги мардларнинг  
Юраги тош, Ойсулув.

Бағринг тутиб чақмоққа  
Тиғламагин, Ойсулув.  
Булутларга ёш тўкиб  
Йиғламагин, Ойсулув.

Сен осмоннинг қизисан,  
Тегранг мовий, Ойсулув.  
Бахтинг баён этмоқда  
Мингта ровий, Ойсулув.

Бахт дея бой берилмас  
Ахир нелар, Ойсулув.  
Кара, сени сўроқлаб  
Куёш келар, Ойсулув.

Осмонларни кўксига  
Қадаб олган Ойсулув.  
Ўз дилига ўзи ўт  
Қалаб олган Ойсулув.

\* \* \*

Кўзларимни ерга қададим,  
Илдиз отиб, шохчалаб кетди.  
Нур деди сўнг чақнаб, ютоқиб,  
Нур деган сўз кўкларга етди.

Йиллар ўтиб, нур эмиб қийғос,  
Қалқиб-қалқиб кучга тўлди-ю,  
Сўнг замину осмонни тутиб,  
ДУНЁ номли дарахт бўлди у.

## **ШОЙИ РҮМОЛ**

Хорғин соchlаримни тараб шамоллар,  
Дунёни кўзимга меҳмон этади.  
Синфдош дўстимдан совға рўмолни  
Бугун шаббодалар илиб кетади.

Ўша кўкиш шойи рўмол ҳали ҳам  
Тушларимга кириб, эргашиб юрап.  
Менга билдиrmайин дугоналарим  
Ҳануз у кунларни эслашиб юрап.

Ҳануз ўша мактаб, синфхоналар  
Хаёлан нигоҳин қадаб туради.  
Биринчи партада, шундок ёнимда  
Бир йигитча менга қараб туради.

Ўша хотиралар таассуротига  
Ҳануз ўйларимни тузатаяпман.  
Ўттиз икки йилdir, қўлимда рўмол,  
Юрагимни тўйга кузатаяпман.

Ўйчан соchlаримни силаб шамоллар,  
Кўзимга дунёни меҳмон этади.

\* \* \*

Юрагим гуллади  
Алвон бўёқда,  
Бир томчиси – ҳаёт,  
Бир томчиси – дард.  
Мен унинг исини  
Тутиб димоққа,  
Дунёнинг юрагин  
Гуллатишим шарт.  
Юрагим гуллади –  
Атру бўйидан  
Сон минг юракларда  
Шона унди шод.  
Мен сизга йўллаган  
Тухфамнинг ранги –  
Ям-яшил муҳаббат!..  
Ям-яшил ҳаёт!..  
Юрагим гуллади  
Бугун сахарда,  
Бир ғунчаси қизил,  
Бир ғунчаси оқ.  
Тасаввур қилсангиз,  
Ҳар бир бандига  
«ИШҚ» сўзи битилган  
Жўшқин кўнғироқ.  
Юрагим гуллади...  
Мисоли баҳор,  
Алвон дафтарига

Ёзди дафъатан;  
...Рангин камалакда  
Учиб телбавор,  
Дунёни маst этгум  
Юрак исидан!..  
Юрагим гуллади –  
Юракгул!..

\* \* \*

Мен майса, мен япроқ,  
Мен хок бўламан,  
Балки бир дарё –  
Ё икки қирғоқ бўламан.  
Мен узоқ қоламан хали сиз билан,  
Кетсам, бир кун сизга қайтар  
Булоқ бўламан.  
Бу – Ҳаёт...  
Мен ўлим қулбасида ҳам  
Бори ҳисларимни  
Куйга соламан.  
Икки дунёда ҳам  
Сўроп қилсалар,  
Мухаббат бор!.. – дея,  
Айта оламан.

\* \* \*

Мунаввар манзилга кетяпман,  
Шу тупроқни күксимга босиб.  
Ахир эллик икки йил мени  
Күкрагига күрди муносиб.  
Юрагимни очиб, бағримни  
Бутоғига тўкиб боряпман.  
Вужудимни кўтариб юрган  
Ёноғидан ўпиб боряпман.

\* \* \*

Кўнглимни қолдиринг –  
Бошқа эсламай,  
Бошқа изламайин  
Сизни ҳеч қачон!  
Чунки яшаяпман  
“Тирикмикин?..” деб,  
Ўлим рўпарамда  
Турибди ҳайрон.  
Кўнглимни ўлдиринг –  
Менсиз тўкилиб,  
Кетиб бораяпти  
Саҳрода бир из.  
Ахир қумда қолиб,  
Адашган, куйган –  
Кўнгилга беркиниб  
Қандай яшайсиз?!

\* \* \*

Хеч нима қолмади зулматдан ўзга,  
Хаммаси шундайин бўлмаса эди.  
Бўм-бўш юрак билан тўкилиб, тўлиб,  
Бу аҳволда қандай яшайман энди?  
Ноиложлик ичра илож қидириб,  
Қайта тўлдирмоқчи бўламан дилни.  
Бунинг учун аввал ювиб, тозалаб,  
Офтобда қутиши керак кўнгилни.

\* \* \*

Ажрата олмадим  
Оқдан қорани,  
Нигоҳларим толди,  
Адашдим такрор.  
Мени улғайтирган  
Кекса дунёга,  
Юрагимни тўкиб,  
Етказдим озор.  
Кўнглин кўтаролмай,  
Дардин ололмай,  
Аравамни тортиб,  
Кунни қуваман.  
Мени деб,  
Эзилиб кетган дунёнинг  
Эски кўйлагини  
Қандай юваман?!...

\* \* \*

Мени ўзинг кечир,  
Яратган Эгам,  
Даргоҳингда маъюс қадди долим-чун.  
Ичим ёнганида бошим кўтариб,  
“Нега?! Нега?!” деган ҳар саволим-чун.  
Ихтиёринг узра бўлсанм ҳам тунлар,  
Кўзим оромини излаганим-чун.  
Тақдиримга битган битикларингни  
Расму русумини бузмаганим-чун.  
Мен ҳам кўнгил дея, мен ҳам шаън дея,  
Тупроғинг заррасин ўйлаганим-чун.  
Ўзимнинг ёқамда турган қўлларим  
Бирор бор тушириб қўймаганим-чун.  
Яна кечиролсанг кечиргин агар,  
Саодат машқида тўлишмаяпман.  
Менга берган барча машаққатингни  
Бирор кимса билан бўлишмаяпман.  
Шундоғ кетаяпман оёғим судраб,  
Гоҳида тўкилиб, гоҳида тўлиб.  
Етиб бораманми, йиқилмасимдан –  
Мунаввар манзилинг тупроғи бўлиб?..

\* \* \*

Узилган гул каби  
Заминга тушдим,  
Юракни пичоқда  
Нимта-нимталаб.  
Қайрилиб ортига  
Боқмади ҳеч ким,  
Дўстим инкор қилди  
Юмуши тугаб.  
Шамоллар увлади  
Бошимга келиб,  
Менга ёмонликнинг  
Кўллари етди.  
Очиқ бошим узра  
Ишонган кишим  
Тепамга осмонни  
Кулатиб кетди.  
Узилган гул каби  
Заминга тушдим...

\* \* \*

Келишингга жонимни тиқдим,  
Соқчи қўйдим тўртта томонга.  
Ва термулиб туну кун кутдим,  
Бир хушхабар келар деб жонга.  
Яшадимми, ўлдимми, билмай,  
Юрагимни титавераман.  
Тўрт томоним тўртала соқчи,  
Хабарини кутавераман.  
Сўнг гулдирап момақалдироқ,  
Тилим-тилим бўлар осмоним.  
Бўлинаман мингта бўлакка,  
Қай томондан келасан, жоним?!.  
Чақмоқ тилган мингта бўлакка  
Оллоҳ ҳадя этар мингта кўз.  
Ҳаммасидан униб чиқади  
“Келасанми?..” деган битта сўз.  
Келишингга жонимни тиқдим,  
Келсанг қайта бўламан бино.  
Гар келмасанг, бутланолмасам,  
Сени ўзи кечирсин худо.

\* \* \*

Яшашни билмадим,  
Хар кун, ҳар соат  
Якка ўзим изғиб  
Юришдан тўйдим.  
Мен сизни, ўзимни  
Ва шаън кунимни  
Нўноқлигим учун  
Йўқотиб қўйдим.  
Яшашни билмадим,  
Ахир бу ҳаёт  
Мени бир қумурсқа каби  
Танимас.  
Яшадимми-йўқми,  
Борманми-йўқми...  
Ковшаниб,  
Ғимиirlаб турсам бас!..  
Яшашни билмадим,  
Яна не учун  
Юрагим зирқирааб  
Қақшайверади.  
Гурлаган оловга  
Нечун сув пуркаб,  
Бошқалар жимгина  
Яшайверади?..

## **НАЪМАТАК**

Гулбута тикони  
Жуда ҳам аччиқ,  
Тегса қони кафтга  
Хино бўлади.  
Кутсангиз, бир куни  
Меваси пишиб,  
Барча дардингизга  
Шифо бўлади.  
Гулбута тикони  
Жуда ҳам аччиқ,  
Тегса тилар ҳатто  
Дилингизни ҳам.  
Парвариш қилсангиз,  
Ўзидан ортиб  
Гулга буркар сизнинг  
Умрингизни ҳам.  
Гулбута тикони...  
Эҳтиёти шарт...

\* \* \*

Шошилиб келдингиз  
Бирпасга,  
“Тез кетаман... Юмушларим...” деб.  
Юрагим от чопиб, қафасда  
Қанча кутдим ич-этимни еб.  
Шошилиб бирпасда кетдингиз,  
Хеч кимни күрмади күзингиз.  
Мен эса жимгина ўтиридим,  
Ўзимсиз қолдим мен, ўзимсиз.  
Қайрилиб боқманг, лек бир марта  
Бу золим сукутни даф этинг!..  
Мени ҳеч қолдирманг бу ерда,  
Мени ҳам бу ердан опкетинг!  
Шошилиб келдингиз,  
Бирпасга...

\* \* \*

Олиб кетаяпсиз  
Боғлаб, етаклаб,  
Кўнгли қўлингизга  
Тушган ношодни.  
Етаклаган каби  
Шафқатсиз дунё,  
Кўзларини боғлаб  
Хаётнинг.  
Эҳтиёт бўлишнинг  
Иложи борми?..  
Ахир томчидан ҳам  
Идиш тўлади.  
Кўнгли зулмингиздан  
Эзилиб кетса,  
Мазлумнинг яшashi  
Гумон бўлади.

## **МЕН БИНАФША БЎЛИБ КЕТАЯПМАН**

Мени ранжу озоримдан изламанг,  
Бугун шому наҳоримдан изламанг,  
Вужуд номли диёримдан изламанг,  
Мен бинафша бўлиб кетяпман.

Тонг отса сиз баҳор келди денг,  
Қувонч, оташ, гулёр келди денг,  
Ифори хуш ифор келди денг,  
Мен бинафша бўлиб кетяпман.

Куртакларга илинар кўнглим,  
Ғунча каби тилинар кўнглим,  
Ким экани билинар кўнглим,  
Мен бинафша бўлиб кетяпман.

Сочларимда чаманлар гуллар,  
Юрагимда ялпизли йўллар,  
Мени бугун худойим қўллар,  
Мен бинафша бўлиб кетяпман.

Баҳор бўлиб ризқ-рўз исидек,  
Дилдан томган дилсўз исидек,  
Келаётган Наврўз исидек,  
Мен бинафша бўлиб кетяпман.

Йўлларингдан эриди-ку муз,  
Булутларнинг қўрғонини буз,

Баҳор, қандай турибсан менсиз?  
Мен бинафша бўлиб кетяпман!..

Осмонларда ўлсам тўкилиб –  
Заминаларда унсам экилиб,  
Баҳор!.. Бир шеър бўлсам йиқилиб...  
Мен бинафша бўлиб кетяпман!..

\* \* \*

Эллик ёшдан ўттиз иккини  
Келар бугун олиб ташлагим.  
Ўн саккизда қолиб абадий,  
Яшагим келяпти, яшагим.  
Кеча бироз ҳаддимдан ошдим,  
Сизни қўнгил томон бошладим.  
Деворларга тегса ҳам бошим,  
Яшагим келяпти, яшагим.  
Аллақачон қуриган тол деб,  
Ўз илдизим кесиб ташладим.  
Лек япроқлар ёзиб қайтадан,  
Яшагим келяпти, яшагим.  
Бу ҳаёт бунчалар чиройли,  
Қўлидан келади ушлагим.  
Боз уни севиб ва севилиб,  
Яшагим келяпти, яшагим.  
Мен бугун эллик йил орқага  
Қайрилиб, кўзимни ёшладим.  
Шу жойда йиқилиб қолсам ҳам,  
Яшагим келяпти, яшагим.

\* \* \*

Орқага қарама –  
Орқада йўл йўқ,  
Кўприклар ёқилган,  
Кемалар чўккан!..  
Олға бораётган  
Йўловчи,  
Хаёт –  
Омад чодирларин  
Чўққига тиккан.  
Чўққида келажак,  
Чўққида тинчлик,  
Яшашни истасанг  
Ўзингга ишон!..  
Олдинда ғалаба,  
Орқада ўлим...  
Чўққи сенинг учун  
Охирги имкон.  
Олға бораётган  
Йўловчи,  
Ол-ға!!!

\* \* \*

Ям-яшил ўт бўлиб,  
Сўнг яшил бутоқ –  
Бир умр садоқат  
Ахтараманми?  
Минг марта кўксингдан  
Юлиб отишди,  
Минг биринчи марта  
Кўкараманми?..

\* \* \*

Узлат, мени қандай  
Кутиб оласан?!  
Зўрға тирик борсам  
Номусдан, ордан.  
Барча тоатларни  
Бир четга суриб,  
Даргоҳингга фақат  
Шеър ёзиб борсам.

\* \* \*

Кетсам...  
Кетишим тайин –  
Қадамларимни ўлчаб,  
Дайди итлар тополмас  
Хуришларига сабаб.  
Қанча кесиб, сермаманг,  
Яшовчан менинг жоним.  
Ўтаётган дунёдан  
Ахир менинг карвоним.

\* \* \*

Бу йўллар  
Самога туташиб кетар,  
Юксалса юксалар –  
Ортга қайтмайди.  
Минг йилдан кейин ҳам  
Кимдир қидирса,  
Мени топмаса ҳам,  
Йўқ деб айтмайди.

\* \* \*

Менинг қалбимда ҳам  
Бўрон гувиллар,  
Менинг умримда ҳам  
Саросар матлаб.  
Менинг ҳам қонимни  
Ичди ғаюрлар,  
Бир фаришта атаб,  
Беозор атаб.  
Менга ҳам юҳодек  
Чанқаб, ютоқиб,  
Қоп-қора шарпалар  
Эргашди зимдан.  
Кўзларимни боғлаб,  
Тилимни кесиб,  
Садосиз садолар келди  
Ўлимдан.  
Мен ҳам қўлларимни  
Ювиб турибман,  
Қаранг, қўлтиғимга  
Тиқмоқлик учун.  
Мени ёмонотлиқ  
Қилган дунёning  
Бир марта йўлига  
Чиқмоқлик учун.

\* \* \*

Мен оқлай олмайман  
Үзимни үзим,  
Гоҳо хас бўламан,  
Гоҳ тоғ қояси.  
Ахир қанча одам  
Югуриб ўтди,  
Мен бўлдим  
Юксалиш зинапояси.

\* \* \*

Узоклаб кетаяпман  
Кун сайин,  
Соат сайин.  
Мендан узоқлашмоқда  
Ҳаво ҳам, нур ҳам атай.  
Тупроққа қўйиб бошим,  
Зўр кунларнинг бирида  
Топилсан Алп Тегиннинг  
Битикли тошларидаи.

\* \* \*

Уйғонмоқчи эдим бугун саҳарда,  
Хомиладор оқшом түлғонмасидан.  
Тасбехин ўгириб жумлаи мўмин,  
Бомдод намозига уйғонмасидан.  
Уйғонмоқчи эдим бугун, не бўлиб,  
Ёстиғимдан бошим уза олмадим.  
Туннинг тонгга қадар қилган ишини  
Ҳаёт дафтариға ёза олмадим.  
Тун ҳам бир ожизнинг кўз ёшидек шўр,  
Гоҳ раҳминг келади, гоҳ тегар жонга.  
Курашиб-курашиб енга олмагач,  
Ўрнини бўшатиб беради тонгга.  
Уйғонмоқчи эдим бугун саҳарда,  
Гулнинг яноғими, қароғи бўлиб.  
Уйғонар чоғимда тўкилиб кетди  
Тонгнинг кўкрагига юрагим тўлиб.  
Уйғонмоқчи эдим...

Бугун...

Саҳарда...

\* \* \*

БУГУН менинг чекимга тушди,  
Имзо қўйдим хатимга мағур.  
Йўлагимнинг адогигача  
Рангин гуллар тўкилиб борур.  
БУГУН менинг чекимга тушди,  
Ўчакишар қадамим шаҳдам.  
Узоқ юриб етиб бораман,  
Келажакка БУГУНим билан.  
Чунки

БУГУН  
менинг чекимда!..

\* \* \*

Кетмайман десам сендан,  
Қолади десам номим,  
Ишқقا айирбош қилсам –  
Сўнгги томчи оромим.  
Ёнсам тирноғимдан то  
Сочимгача бўлиб фош,  
Абадий олов бўлсам –  
Мени дейсанми, куёш?!.

\* \* \*

Баъзан кўкка қиласан парвоз,  
Баъзан ерда чилпарчин танинг.  
Сен биласан, ахир ҳамма вақт  
Бўлавермайди-ку айтганинг.  
Шамолларга сўзлаб бўларми,  
Юрагингдан томиб турса шеър.  
Сени фақат осмон севишин,  
Сени фақат тушунишин ер.

\* \* \*

Қанча азобларни  
Тортди бу чинор,  
Чинор бўлгунича  
Минг бор тўкилиб.  
Кимдир шохларини  
Синдириб ўтса,  
Кимдир вужудини  
Ўтарди тилиб.  
Барча умидлари  
Бугундан эди,  
Қорда ҳам, музда ҳам  
Яшарди кулиб.  
Бугун-чи, гуркираб турганда,  
Нохос –  
Ҳаёт ришталари  
Борар узилиб...

## **СИНОВ**

*Профессор Суюн Каримовга*

Ҳаётнинг саволи кўп эрур,  
Одамзодга синов ҳаммаси.  
Гоҳида паст тушиб, гоҳида  
Жонингга қасд эрур бандаси.  
Бир сўз-ла гоҳ ўксик кўзда ёш,  
Гоҳида меҳрли бир йўқлов.  
Гар тилар эрсак, бу умрнинг  
Ўзи ҳам омадли бир синов.  
Дунёни бир кесиб ўтиш ҳам  
Ва ё ҳис этиш ҳам ҳарорат.  
Шу қайтмас йўллардан кетиш ҳам  
Ва ё бир этиш ҳам зиёрат.  
Ҳаммаси синовдир аслида,  
Ўтамиз илтимос, узр! деб.  
Яратган не берса барига  
Шукур! деб яшаймиз,  
Шукур! деб.  
Азоблар роҳатга тўловдир,  
Бу дунё ўзи бир синовдир.

\* \* \*

Кувлашмачоқ ўйнадик бирга,  
Роса узоқ қувлади дунё.  
Ютқаздириб қўймасин дея,  
Мени қўллаб юборди худо.  
Етиб келдим маррага олдин,  
Ғалабамни бахтга йўядан.  
Мен дунёни муштдек аёлга  
Ютқазди!.. деб ёзиб қўядан.

\* \* \*

Мен яшаган жойлар ободdir,  
Мен ўстирган гуллар чиройли.  
Одамлар ҳам қувноқ ва шодdir,  
Оқшомлар ҳам юлдузли, ойли.  
Фақат гоҳ-гоҳ кўзларин ёшлаб,  
Таассуротлар дардга қоришар.  
Мен хужумчи бўлмоқчи эдим,  
Мени тўпдек тепиб боришар.

\* \* \*

Мен ҳам бошқалардек  
Сенга етгунча,  
Шошиб қоламанми,  
Югурманми?  
Бирор бўғиним ё  
Бир бандим қолмай –  
Ўзимни ёзишга  
Улгурманми?!

\* \* \*

Тупроққа ташлади мени ҳақиқат,  
Ёлғизлик гул тутди қўлимга.  
Қўрқмайин типпа-тик борурман  
Рўпарамда турган ўлимга.

Эртага улоқиб кетсам у билан,  
Яхши-ёмонимнинг ўрнини билиб,  
Дунё қалбим ўқиб баҳра ололмас,  
Мени аслиятдан таржима қилиб.

Ҳиссиёт не ўзи – кўҳна бир тилсим,  
Фақат юракларнинг яшар қасдида.  
Ўлимга юз тутдим сизни қидириб,  
Балки топишармиз тупроқ остида.

\* \* \*

Менинг мавжудлигим  
Ўзи мўъжиза,  
Шошилмай бораман  
Кўнглимни шарҳлаб.  
Қани, ким боради  
Менинг изимдан?  
Эзгулик,  
Ишонч  
Ва мақсадни ёқлаб.  
Узоқ манзилларга  
Кетишдан олдин,  
Ахир, сўрамадим  
Буларни бежиз.  
Олдимда борганга  
Муносиб бўлдим,  
Ортимдан келишга  
Муносибмисиз?!

\* \* \*

Биламан, менинг ҳам жисму жонимга  
Ярашиб тушарди шодон бир юрак.  
Дупуридан тонглар отиб борарди,  
Тафти томиримда гулларди бешак.  
Мендаги юракнинг либоси жанда,  
Уни бир амаллаб кийиб юрибман.  
Қай чоки сўкилган, қай жойи ямоқ,  
Буни битта ўзим билиб турибман.

\* \* \*

Менга қўнгил беринг,  
Менга дил беринг,  
Йиғиштириб қўйинг  
Майда гапларни.  
Ёлғондан, макрдан  
Ҳимоя қилинг,  
Унини чиқарманг  
Менга дардларнинг.  
Менга меҳр беринг,  
Менга дил беринг,  
Шундан бошқа нарса  
Тўлдирап мени.  
Шунчаки гапирманг,  
Шунчаки севманг,  
Шунчаки туйғулар  
Ўлдирап мени.

\* \* \*

Елкамда тоғ – чўкиб кетяпман,  
Кўл узатинг менга, яхшилар.  
Хув манзилга етиб, елкамдан  
Тоғни олиб қўйгунга қадар.  
Унинг юки жонимни эзар,  
Қандай олиб бораман энди.  
О, дунёнинг менга мингашган  
Шу тоғлари бўлмаса эди...

\* \* \*

Неча йилдир, мавжуд  
Чексизлик аро,  
Тирик эканимни  
Билдирайин деб,  
Чиқиб бораяпман  
Сабр тоғига,  
Кўз ёшимни ютиб,  
Ич-этимни еб.  
Гўё чиқишимни  
Билмагандайин,  
Оёғим остига  
Тоғни қўйган зот,  
Аввал оёғимни  
Заминга боғлаб,  
Кейин кифтим узра  
Чиқарди қанот.

\* \* \*

Күзларим қаросига  
Ошиқ этиб ғуборни,  
Дилга босиб йиғладим  
Үкинч күшкіда орни.  
Ашким билан сугориб,  
Күксимда унган хорни,  
Үзим бўйнимга солдим  
Номус аталмиш дорни.  
Гуллар қиқири билан  
Ювиб аччиқ озорни,  
Тонг нурига чўлғадим  
Кўзимдаги диёрни.

\* \* \*

Ҳали ҳам йўлларим  
Оғир, азобли,  
Тун бўйи ўзимга  
Куч сўрайман мен!..  
Майли, хўрлайверинг,  
Йиглатаверинг –  
Фақат ёмонларга  
Қилиб қўйманг teng...

## **ЭЪТИРОФ**

Ғунчалари алвон-алвон чоғланган,  
Жони жоним билан туташ боғим бор.  
Юрагимда уст-устига доғланган,  
Сахродайин куйиб ётган доғим бор.

Яхшиларнинг сухбатига бахшида,  
Ёмонлардан қизғонган чироғим бор.  
Тилим-тилим тилаётган тилимни  
Ўз қўлимда ўзимнинг яроғим бор.

Кечалари ҳоври тунга туташган  
Хижрондайин саволкор сабоғим бор.  
Іоз йилми ё минг йил нари, билмайсиз,  
Кўксим узра қулаётган тоғим бор.

Руҳим азот сапчилайди самога,  
Банди вужуд тортаётган чоҳим бор.  
Қалб қуши жон талошида чирқиллар:  
– Орангизда менинг не гуноҳим бор?!

## ОНАМГА

Мен ўзимни унутиб қўйдим,  
Оҳим турар олти ёнимда.  
Дардим қувиб, азобим қувиб,  
Телба исён кезар қонимда.

Мен ўзимни унутиб қўйдим,  
Ҳаётман деб қандай алдайман.  
Зилдай бошим кўтариб, она,  
Кўзингизга қандай қарайман?

Мен ўзимни унутиб қўйдим,  
Бу тупроқ шаън, бу йўллар номус.  
Меҳнатингиз жавобин бериб,  
Этолмадим бахтингиз тўкис.

Яшаяпман, бироқ ҳаётим  
Ёнаётган дараҳт билан teng.  
Йиқилсам ҳам заминни қучиб,  
Онажон! деб йиқиламан мен.

Йўлга тушдим шошилиб, учеб,  
Фақат сизни топа олсан бас.  
Шу фарзни ҳам уddyалолмасам,  
Тириклигим тириклик эмас!..

Руҳим ишғол этганди қайғу,  
Қайтардингиз ўзимга яна.  
Титраяпман, елкамдан қучиб  
Биргина сиз турибсиз, она.

Мен ўзимни унутиб қўйдим...

\* \* \*

Мен аршда юрибман,  
Истагим ёлғиз –  
Ойдин жамолингга  
Тушса қарофим.  
Сомон йўли узра кошки ифоринг  
Атру бўйи хушҳол этса димоғим.  
Сен чорловчи бўлдинг,  
Мен интилгувчи,  
Ахир юксакларда эди хаёлим.  
Менинг дилимни бир  
Мунаввар этиб,  
Кифтим узра қанот бўлган  
Заволим.  
Мени аршга тутдинг,  
Бир кун ёрилиб,  
Осмон юрагидек  
Тўлсам, тўкилсам.  
Қанийди бир лаҳза  
Ёки бир нафас, Раббим,  
Борлиғингнинг эгаси бўлсам!..

**Ү...**

У кексайиб борар кун сайин,  
Ташвишлари ташлаган эзиб.  
Унинг оғир умр йўлида  
Суқунатлар юради кезиб.  
У қайрилиб ортига қарап,  
Оғир бўлди... Бўлмади айб.  
Сен баҳтлисан, дея қўл силкиб,  
Қоқигуллар қолар жилмайиб.  
Баҳт сўзини тиниқ эшигтгач,  
У озгина тин олар, майли...  
Ҳа, мақсадга бир баҳя қолди,  
Шу азобли умр туфайли.

\* \* \*

Мен ўзимни енга олмадим,  
Вужудимдан сачради учқун.  
Ахир гуноҳ қиласди инсон  
Гуноҳини ювмоқлик учун!  
Мен ўзимни енга олмадим,  
Тўкиб ёздим дилим розини.  
Бир девона сажда қиласди  
Лойга ёзиб жойнамозини.  
Мен ўзимни енга олмадим,  
Туролмадим бошқа дош қилиб.  
Юзидаги никобин йиртдим,  
Бу дунёning сирин фош қилиб.

## **ЭСЛАМАДИНГИЗ**

Булутлар учиб борар,  
Туманлар кўчиб борар,  
Юрагим чўчиб борар,  
Мени эсламадингиз.

Эриганида муз-кор,  
Яшнаб келганда баҳор,  
Эшитилса ҳам ёр-ёр,  
Мени эсламадингиз.

Қайрилиб боқдим ортга,  
Бир оларми деб ёдга.  
Юз буриб хотиротга,  
Мени эсламадингиз.

Баҳор, ёз, қишлиар келди,  
Бир хил юмушлар келди,  
Ширин ташвишлар келди,  
Мени эсламадингиз.

Эслаб-эслаб мен толдим,  
Каранг, тош бўлиб қолдим.  
Жоним суғуриб олдим,  
Мени эсламадингиз.

## **МАНГУ КУРАШ**

Шамол булатларни ҳайдади,  
Осмон юзи оқарди бўздек.  
Сўнг дунёга боқди ҳайрат-ла  
Миллион юлдуз миллионта кўздек.  
Тун бағирлаб ўрлади зулмат,  
Юз ўгириб хаёт тотидан.  
Ва ойдинда этагин судраб,  
Тун эргашди зулмат ортидан.  
Тонг ёришди шўх наво билан,  
Кушлар сайраб сийпалашди бош.  
Зар кокили дунёни чулғаб,  
То шомгача рақс тушди қуёш.  
Бахт! деди у,  
Озодлик, ҳурлик!..  
Менсиз аро йўлда қолмайди.  
Мен кокилим ёйиб рақс тушсам,  
Зулмат менга тенглашолмайди.  
Йиллар ўтар, асрлар ўтар,  
Мен зулматга тобе бўлмайман.  
Булут қанча қилич солмасин,  
Мен яшайман, асло ўлмайман!..

\* \* \*

Юз ўгирдим итлар зотидан,  
Жонимдан бездириб юборди.  
Мен энди шерлардек ҳайқириб,  
Улардан ўргангум викорни.

\* \* \*

Бутун умр кутган эди у  
Бир қучоқ гул –  
Қип-қизил, алвон...  
Нигоҳлари тушдию, бирдан  
Томирида тўхтаб қолди қон.  
Орзу эди худди шундай ишқ!..  
Талпиндию, тўхтади қўллар.  
Ахир умр йўлин зулматга  
Чулғаб кетган  
Шу атиргуллар...

\* \* \*

Айтмайман...  
Ўзингиз тушуниб олинг,  
Паймонам тўлса ҳам,  
Кўнглим тўлмайди.  
Салгина бошимни қотирсам,  
Менга  
Илҳом деганлари керак бўлмайди.  
Афсуски,  
Айтмайман десам ҳам мангур,  
Юракка нақшини солганман.  
Илҳом мени ташлаб кетса ҳам,  
Мен уни ёқтириб қолганман.

\* \* \*

Сен қаердан биласан менинг  
Қўрқоқми ё ботирлигимни?..  
Йиқилсан ҳам, йиғласам ҳам мен –  
Қандай кучга қодирлигимни!..

\* \* \*

Сўзлар...

Кўнглингизни топа олмадим,  
Тўйиб қонолмадим  
Тафтиңгиздан ҳам.  
Ҳамма топди сизни,  
Ҳамма опқочди,  
Ўғирлаб тангрининг марҳаматидан.

Сўзлар...

Эллик йил изладим  
Манзилингизни,  
Гоҳ қора чизиққа айланди йўлим.  
Топдиму

Энди қандай айтаман сизни?!  
Қалтираб ёқамга бормоқда қўлим.  
Сўзлар...

Энди қандай айтаман сизни?!.

\* \* \*

Күнгилни илғамоқликни,  
Хайқириб, инграмоқликни,  
Күнгилга түхтамоқликни  
Мен ўзимдан ўрганаяпман.  
Рост сўзни англамоқликни,  
Тушунмок, тингламоқликни  
Ростакам йиғламоқликни  
Мен ўзимдан ўрганаяпман.  
Яшамоқ роҳатлигини,  
Тириклик давлатлигини,  
Сўзламоқ ҳам баҳтлигини  
Айтишни  
Мен ўзимдан ўрганаяпман.  
Орзуим армонлигини,  
Бу қўнгил вайронлигини,  
Кўп гапим ёлғонлигини  
Айтишни  
Мен ўзимдан ўрганаяпман.

\* \* \*

Күнглим

Күрғонини бузиб, ҳаприқиб

Кетар, занжиранланган тушовин узиб.

Қай бир күчаларда, қай бир оқшомда

Үкирар етти қат самони бузиб.

Тавба!.. Алхазар!.. деб,

Эзади мени,

Кейин шартта-шартта айтиб солади.

Қайси бир оқшомда,

Қайси бир тонгда

Күрпага бурканиб йиглаб олади.

Үзи қүёлмайды

Бўғзига тўсиқ,

Титраб ич-ичидан оқаверар бўз.

Ўз тифи ўзини ёрган кўксидан

Оқиб чиқаверар қон аралаш сўз.

Мен ношукур, шаккок дея маҳшарда,

Берган ишқ жомини ололмасам, ё

Битта муслимам деб,

Битта бандам деб,

Қилган гунохимдан

Ўтарми худо?!

\* \* \*

Умрим тугаб бормоқда,  
Эшикда эса  
Рухсат сүраб турар  
Хали яшамаган кунларим.  
Бироқ менинг юмушларим күп,  
Күп қололмайман.  
Үқишим, ёзишим,  
Кетишим керак...  
Афсуски, яшашга улгуролмайман.

\* \* \*

Аламнинг,  
Азобнинг, қайғунинг  
Либосини ечиб ташлаяпман мен.  
Хазон – сингилларим билан  
Қувлашиб,  
Бирга қанот қоқиб  
Яшаяпман мен.  
Борлиғидан кечдим  
Энди дунёнинг!  
Заминнинг бўйини бўйламоқчиман.  
Сўнгги нафасимнинг гаштини –  
Учиб –  
Хазонлар тилида  
Куйламоқчиман!..

\* \* \*

Қанча улкан бўлмагин,  
Фарёд...  
Сени сукут билан босиб қўяман.  
Тўрт тарафдан ўраб,  
Жимжитлик билан  
Келар йўлларингни  
Тўсиб қўяман.  
Чунки сен фарёдсан!..  
Биргина садо.  
Менинг бўғзим ёриб,  
Чиқмайсан ўсиб.  
Сукунат, бугундан то Одам Ато –  
Ҳавонинг йўлини бўларми тўсиб?!

\* \* \*

Болалиқда  
Чопиб юрардим,  
Йикилсам ҳам  
Индамай доим.  
Тик турибман  
Йикилмай,  
Дардга –  
Соқчи қилиб  
Кўйди худойим.

\* \* \*

Мен бугун ўзимни  
Тафтиш қиляпман,  
Хаёт деб –  
Ақлдан озганим учун.  
Унга яқинлашмай,  
Уни билмайин,  
Хийла, найрангини  
Ёзганим учун.  
Мен бугун ўзимни  
Тафтиш қиляпман,  
Кундасига бошим  
Тутмаганим-чун.  
Бүйин товламайин,  
Чора қидирмай,  
Индамай ўлимни  
Кутмаганим-чун.

\* \* \*

Катта йифин бўлар  
Тундан тонггача.  
Шеърнинг бўю басти ўлчанар, худо!..  
Шекспир, Гёте бошини эгар,  
Шоирдек мазлум зот  
Кўрмаган дунё.  
Бунда мен, Хосият, Зебо, Ҳалима  
Тортиша-тортиша чарчаймиз,  
Дилтанг!..  
Ҳамма шоирларнинг бугуни борми,  
Ҳаммасининг борми эрталари ҳам?!  
Ҳамма шеър ўзини оқладими ё,  
Ҳамма шеър дардингга бўларми даво?  
Изласанг, истасанг,  
Ёнсанг, гупурсанг!..  
Сенинг сўзингни ҳам тингларми,  
Илло?!

Бутун дунёнинг шоҳ сатрларию  
Шоирлари келар икки замоннинг.  
Менга пойгакдан жой берсин  
Анжуман.

Мен бир тупроғиман  
Ол-и-с маконнинг.  
Ўшанда,  
Шоҳ сатрлар ичра жавохир,  
Дил ганжини териб-териб яшардим.  
Тўсатдан Лорканинг қалбини топсам,  
Тупроққа ўтириб сухбатлашардим.

\* \* \*

Кўзларингга боқмас, сени кўрмайди,  
Хатто танимайди туғишган оғанг.  
Сени кўрмай ўтар, танимай ўтар,  
Изма-из борса ҳам сен юрган йўлдан.  
Сени билмас сира кимлигингни ҳам,  
Юракдаги туғён наизалар тутар.  
Лабида табассум, қомати дуркун,  
Хатто фарзандинг ҳам танимай ўтар.  
Хўрсиник, ўқинчлар йиртар бўғзингни,  
Нима бўлган ўзи атиргулингга?!.  
Ўзинг эккансан-ку, ўйларинг тўзғиб,  
Танимаса оғир ботар дилингга.  
Шаънинг бир пул қилар баъзи нокаслар,  
Майда-чуйда гаплар тегар жонингга.  
Бир кун судраб кетар ортидан изсиз,  
Нуқта қўйиб иссиқ хонадонингга.  
Ўзингга бир ўзинг тарафкаш,  
Чўнимай ҳар қандай пўписа-дўқдан.  
Чунки сен бир марта келдинг дунёга.  
Бир марта яшадинг – энди сен йўқсан!..  
Сени ҳеч ким билмас, ҳеч ким танимас,  
Дунёга бир келиб, қайтиб кетганинг.  
Қайғуни, азобни, ўлимни  
Севишинг баралла  
Айтиб кетганинг.

\* \* \*

Мен ҳам ожизамас,  
Мен ҳам ботирман.  
Жим-жит яшамоқлик  
Жонимга тегди.  
Кеча ҳузурига кирсам –  
Бу дунё  
Химматини менга  
Нораво, деди.  
Мен ҳам келар бўлса  
Қайрилмайман, то  
Пойимга тиз чўкиб  
Йигламагунча.  
Мен ҳам бир дунёман,  
Мен ҳам бир дунё!  
Қўймайман сўзимни  
Тингламагунча!

\* \* \*

Йўлбарс менга қондошми,  
Ёки қилиб мени фош?  
Чиқиб қоламанми ё  
Чумолига қариндош?  
Чумолининг юкини  
Кўтаролмай сарсонман.  
Йўлбарслардай ўзимни  
Қайтаролмай сарсонман.  
Ёки мен мен эмасми?..  
Бу юкни илиб қўйсам,  
Ўзимдан сўраб, кейин  
Ўзимни билиб қўйсам.  
Дунё бўлиб бир кулба –  
Йифса тўккан ёшларин.  
Ўйлаб кўрсам, сизлар ҳам  
Менинг қариндошларим.  
Ахир яралмиш жонзот,  
Гоҳ инсон, гоҳ итдадир.  
Тортишсак-тортишмасак,  
Яратувчи биттадир.  
Жаҳл қилмай гапимга,  
Гапни бир ўраб кўринг.  
Ҳеч нарса бегонамас,  
Ўзингиз сўраб кўринг!..

\* \* \*

Мен ёзаяпман...  
Ёзгандаямки,  
Түлиб ёзаяпман.  
Қотиб қолганимни,  
Түхтаб қолганимни  
Билиб ёзаяпман.  
Мен дунёни дунём билан  
Күриб ёзардим,  
Энди унинг ўзи билан  
Күриб ёзаяпман.  
Мен ёзаяпман...

\* \* \*

Хазонлар бир қўшиқ бошлар  
Мен билан.  
Ҳаётни маҳв этдим –  
Қайтишим кўринг!..  
Бу жангни –  
Хазонлар сухани билан  
Шитирлаб-шитирлаб,  
Қиқирлаб-қиқирлаб,  
Чисирлаб-чисирлаб  
Айтишим кўринг!..

\* \* \*

Ям-яшил арчалар юртига  
Денгизда,  
Кемада кетяпман.  
Ям-яшил арчалар юртига...  
Мен тоғлар юртига кетяпман.  
Үзимни шарҳлаш-чун бемалол,  
Күнглимини күриш-чун осуда.  
Үзимга қўйиш-чун үзимни,  
Үзим-ла яшаш-чун, үзим-ла...  
Үзимга ташлаш-чун үзимни,  
Юксакдан қарап-чун...  
Бир марта!..  
Үзимга тафтиш-чун, үзимни  
Тоғларга уриш-чун, тоғларга.  
Денгизга отиш-чун үзимни,  
Сўнг яшил арчага бериш-чун,  
Бериш-чун мангуга кўксимда  
Авайлаб-асраган кўнглимини.  
Ва сўнгра мангуга қолиш-чун  
Арчалар юртига кетяпман.

\* \* \*

Үзим билан ёлғиз қолган кезларим  
Үйлайман... Қүшнилар тинчмикан?..  
Хар куни бўлса ҳам тўполон,  
Жанжаллар борса ҳам кўз ёшга.  
Буниси ой билан ўпишган,  
Буниси ҳамхона қуёшга.  
Мен эса жимгина яшайман,  
Дардларим бошимни эгади.  
Мен сукут қиласман,  
Қилт этсам,  
Қўлларим сукутга тегади.

\* \* \*

Мендан қолгани шу,  
Сурат каби парчаланган дунё –  
Хотира...  
Хотирамнинг парчалариdek  
Бириколмас бу дунё сира.  
Айро тушган осмони, ойи,  
Тўзиб-тўзиб, йитиб боради.  
Мингта парчасини бой бериб  
Мендек,  
Битта парчасини тутиб боради.  
Шунинг учун рўбарў келса,  
Қайрилмайман – ҳеч ким сўрамас.  
Бу дунёга мен қарамасам,  
Мендан ўзга ҳеч ким қарамас.

\* \* \*

Бу дунё синиқ ойна,  
Менда қолмади имкон.  
Қалбимни солсам ойга,  
Сизиб чиқаверар қон.  
Хой, итингни нари сур,  
Аккиллаб тегди жонга.  
Ахир мен ҳам меҳмонман  
Шу беш кунлик маконга.

\* \* \*

Кўзларимни куйдириб,  
Тун кириб келаверар.  
Бўғзимдаги сукунат  
Бўғзимни тилаверар.  
Сен илтифот кутасан,  
Менга бардош тиф тутган.  
Зўрға тирик юрибман  
Бўғзимдаги сукутдан.

\* \* \*

Мен бандман ҳалиям –  
Тақдир, измингда,  
Қай томон йүлласанг  
Чопавераман.  
Сен минг бор боғлайсан  
Ечолмасин деб,  
Мен минг бор йўлини  
Топавераман.  
Бир куни, шундайин  
Ҳабиб эди деб,  
Йўқотсанг изимни  
Тополмайсан-ку!..  
Нега бунча мени  
Чалаверасан,  
Нега бунча менга  
Соласан қутқу?..

\* \* \*

Ох, мен анча толиккан эдим  
Ажриқзор ичра дон  
Сепиб юришдан.  
Хосил ололмайин,  
Озиқланолмай,  
Шундайми?!. деб,  
Ерни тепиб юришдан.  
Бугун дил севинчдан  
Бир қалқидиу,  
Сүнг хирмон күтарди  
Дардлардан, түйиб –  
Тонгга яқин ширин  
Уйқуга кетди  
Қайғу, шодликларни  
Бошига қўйиб.

\* \* \*

Ким ўзи у  
Шоир зоти?..  
Сўзнинг битта эркаси.  
Менми?!.  
Мени танимайсиз,  
Мен дунёning эгаси.

\* \* \*

Зўрман демадим мен,  
Зўрлик аслида –  
Йикмоқдир, чиқмоқдир  
Душмандан ғолиб.  
Менинг ғолиблигим  
Мағлублигимда,  
Йўлга тушганимда  
Олов юрагимни  
Қўлимга олиб.

\* \* \*

Ўзингни намоён этишинг учун  
Фақатгина ўзингни кўришинг керак.  
Фақатгина ўзингни кўришинг учун  
Тош бўлиши керак сендаги юрак.  
Аммо...  
Бу дунёда мангу яшамоқ учун,  
Кўз юмиб атрофни кўриб бўлмайди.  
Чиқиб бўлмайди-ку сувдан қуп-қуруқ,  
Одамлар устидан юриб бўлмайди  
Ўзингни намоён этишинг учун...

## АЁЛ

1

Мен аёл эмасман,  
Мен бир садоман,  
Мен бир ҳайқириқман –  
Бўғзингиздаги.  
Ютиб юборолмас,  
Тутиб қололмас  
Кўз ёшман –  
Хатоман ўзингиздаги.  
Мени ким яратди  
Эгам амри-ла?!.  
Сиз каби нигоҳи,  
Забони ўтким,  
Бир юрак бўлсайдим –  
Аёл кўксида,  
Аёлни нописанд  
Этмасди ҳеч ким.  
Мен бир ношукурман,  
Мен битта ношуд.  
Битта чумолини кафтига олиб,  
Унинг заҳматини қўриб ўлмаган.  
Қоғоз, қалам бўлган,  
Китоб бўлгану  
Шикаста сўз бўлган,  
Аёл бўлмаган.  
Мен аёл эмасман,  
Кошки аёллик

Нари-бери бирор мартаба бўлса.  
Буюклиқдан буюкроқдир у,  
Нозиклиқдан нозикдир жуда.  
Мен аёл эмасман,  
Аёллик не? деб,  
Игнанинг устида  
Юриб боряпман.  
Раббим!..  
Хузурингга қарзимни олиб,  
Гуноҳларни босиб, кириб боряпман!..

2

Аёл бу – онадир,  
Аёл бу – халқдир,  
Аёл бу – ватандир,  
Муқаддас даргоҳ.  
Аёлнинг пойини  
Тавоф этолмай,  
Дардини ололмай  
Ўтаяпман, оҳ!..  
Аёл нигоҳида гуллаб, гуркираб,  
Бисмиллоҳга ноил бўла олсайдим.  
Аёл номим билан унинг бошидан  
Дунёнинг юкини ола олсайдим.  
Бирга бўлолсайдим юриб юкиниб,  
Топиб айтолсайдим мунаvvар сўзим.  
Энг аввал аёлни паноҳ деб билиб,  
Тарихга муҳрлаб кетардим ўзим.  
Унинг жамолидан, унинг бўйидан

Исмати битилса ёруғ дунёнинг,  
Мен унинг бор айбин сўрасам,  
Фақат –  
Ғазаби келмасми ХУДОнинг?!..

3

Дод десам!..  
Аёлнинг номуси, ори,  
Хурмати тикланса пойидор.  
Эркакни ўзлари бунёд этса-ю,  
Ўзлари пойида бўлиб ўтса хор.  
Бир аёл дардига ўтириб,  
Минг аёл суяги қақшайди.  
Бозорга қўйилган аёлмас,  
Эркакнинг номуси ўхшайди.  
Мен чинор баргидек тўкилсам,  
Ўқигин бундайин дард дарсин.  
Мен ўлсам, тобутим бир учин  
Фаришта аёллар кўтарсинг.  
Улар фариштадир,  
Улар беайб,  
Гуноҳсиз гуноҳлар битилса.  
Отаси ким эди,  
Оғаси ким?! деб,  
Бегини сўрокқа тутилса.  
Унинг қўлин тутиб, табаррук этиб,  
Аввал оёғини йўлга солгувчи.  
Забонидан ўпиб,  
Забонин ўнглаб,

Сүзга кирганида кесиб олгувчи.  
Эркакнинг Оллоҳдан рухсати борми?  
Эркакнинг кўксидা борми номуси?!.  
Бир аёл қонига дунёни бўяб,  
Дунёнинг айбини ёпкуси.  
Илдизи бормикан гар дарахт бўлса,  
Илдизини топиб болта урса у.  
Ўзгамас, ўзини эр билиб юрган  
Эркак ўз илдизини кесаяпти-ку!

4

Бир равоти бўлса, аёл –  
Бетизгин,  
Бошига бир паноҳ истарми?  
Кўчада қолдириб фарзандин,  
Рўзгори учун йўл изларми?..  
Гар қанот бўлса, у беканот –  
Синдириб ўзининг дастини,  
Қай эркак ўзининг айби-чун  
Аёлдан олади қасдини.  
Минг йиллик ёки минг асрлик  
Савол бу, азоб бу, оташ бу.  
Ким ўзин айласа, кимнингдир  
Ҳақиқий гуноҳи қоронғу.  
Мен ёқамни тутдим, тарихдан  
Бир жавоб қидириб, алҳазар!..  
Қаршимдан чиқишиди ястаниб,  
Адашган кунингиз, эркаклар.  
Бўлмай деб юрсангиз беномус,

Яшай деб юрсангиз бекадар,  
Аёллар меҳнатин қадрлаб,  
Аёлни эъзозланг, эркаклар.  
Елкадош бўлингиз, ахир сиз  
Уларнинг суянган тоғлари.  
Юк босиб, гуноҳлар битилиб,  
Ҳаётга тегмасдан доғлари.  
Яна бир разолат қилинмай,  
Яна битта жавоб изланмай,  
Ўзингизга келинг, қалбларда  
Муҳаббат яратинг оловдай.  
Майлига, сўзим рад этсангиз,  
Юрманг ҳам мен айтган йўриқдан.  
Аёлдан камчилик қидирмай,  
Аёлни пок этинг оғриқдан.  
Ахир не-не кайфу сафолар  
Инсонга хамиша эрмаклигини,  
Мен яхши биламан  
Сизга хамиша –  
Битта содик аёл кераклигини.  
Аёл – доя эрур ёруғ дунёга,  
У – она,  
У – сингил,  
У – қизингиздир.  
Сиз боғсиз, мевали –  
Шовуллаган боғ,  
Ахир аёл сизнинг –  
Илдизингиздир.  
Ҳаёт! деб яшаган,

Хаёт! деб ўсган,  
Хайрат осмонида  
Юлдуз бўлади.  
Тупроққа чуқурроқ  
Ботиб, дарахтга  
Хаёт бағишлиовчи  
Илдиз бўлади.

\* \* \*

Хов ана...  
Кўриниб турибди йўлда,  
Ҳали оппоқ қорлар  
Ёполнмаган из.  
Тун бўйи  
Юлдузга термулиб, ўша  
Гулдор рўмолини  
Сийпалаган қиз.  
Унинг эгнидаги  
Эски жомакор  
Ҳали дош беради  
Қанча қор, дўлга.  
Факат юрагига  
Тегиб бўлмайди,  
Юраги –  
Тўкилиб боради,  
Йўлга...

\* \* \*

Бу йўл жуда оғир  
Ва жуда узоқ...  
Қишда лой билчиллар  
Ва ёзда тикан.  
Мен билан юришга  
Оғримай жонинг –  
Бардош, матонатинг  
Етишармикан?..

\* \* \*

Мен хирмон кўтардим  
Бугун –  
Аслида,  
Унда дардманларнинг  
Улуси бисёр.  
Бир ҳақни англадим –  
Тупроқ остида  
Ҳамма тенг,  
Ҳамманинг бошпанаси бор.

\* \* \*

Энди ҳеч ким мени енголмас,  
Қилолмайди беҳуда зуғум.  
Дўстлар, энди билагим эмас,  
Мен юрагим билан курашгум.

\* \* \*

Тонгдек янги,  
Тонгдек оппоқ,  
Тонгдек бўлсайдим нурафшон.  
Зулматнинг тушмасди кўнгли,  
Ёмонлар қилмасди гумон.  
Менинг эса ўтин янглиғ  
Оловда ёнган боғим бор.  
Юрак ёбонидан томиб,  
Хилолга теккан  
Доғим бор.

\* \* \*

Кийналиб кетди осмон,  
Кийналиб кетди бугун.  
Киш, ёз демай юксакда –  
Ҳануз юраман юпун.  
Ерда-чи?!.  
Менинг номим  
Қиморга тикилади.  
Ютсанг ҳам, ютқазсанг ҳам,  
Обрўйим тўкилади.  
Йўлга чиқдим, хайр-хўш  
Қилмасам ҳам қувониб.  
Кетаяпман ўзимни –  
Бир ўзимга ишониб.

\* \* \*

Мен кимман –  
Илдизим қаерда ўзи?!  
Тупроқ шишиб борар,  
Бўғзим бўғилар.  
Икки қорачигим кенгайиб,  
Бир кун –  
Заминдан озода,  
Қуёшдан нурли,  
Дунёдан покиза  
Дунё туғилар.  
Мен кимман?!  
Толеи мангу мунааввар,  
Илоҳдан бир улгу эканим тайин.  
Суқунатни йиртиб,  
Дунёга келдим.  
Яна ким дунёга келар  
Мендайин?!

\* \* \*

Хазонлар заминга эниб ёлворар,  
Мени баҳоримга беринг, илтимос!..  
Мен ахир дунёning ишқини  
Фақат –  
Ўзимнинг тилимда  
Куйладим, холос.  
Бири шивирлайди,  
Бири ҳайқирап,  
Секинроқ!..  
Секинроқ оёғингни бос.  
Бизнинг ҳаётимиз тугагани йўқ,  
Бизнинг ҳаётимиз  
Ўзимизга хос.  
Ҳавода учганча заминни бўйлаб,  
Бир-бирини чунон қилади пана.  
Тупроқдан илдизга,  
Илдиздан шохга  
Ўтиб олиб,  
Қайта юксалар яна.  
Яна шамолларга кўксини тутиб,  
Ҳаётни қадрлаб кўзин ёшлидай.  
Ям-яшил борликқа айланиб яна,  
Япроқлар тилида  
Қўшиқ бошлайди.

\* \* \*

Мен ҳам бир жонзотми?  
Тушунолмайман –  
Ё оғрир, ё доим хатарда жоним.  
Күзим йўқ кўришга  
Кўтири дунёнгни,  
Кумурсқадан  
Сал-пал фарқли имконим.

\* \* \*

Отиб юборасан осмондан оташ,  
Сўнг пастдан рўбарў қиласан сувни.  
Бирика олмайин иккита дунё –  
Босиб тураверар кўркувни.

\* \* \*

Бунчалар фараҳли  
Бу шаъну шавкат,  
Озори жонимга  
Ёқиб боради.  
Тоғларга туташиб  
Борар товоним,  
Булутлар кўзимда  
Оқиб боради.

\* \* \*

Хар қанча сўз айтмайин ёниб,  
Ўтиб борар боқмай ноябрь.  
Совқотаман  
Жунжикиб,  
Толиб,  
Бу йўл –  
Кета-кетгунча сабр.  
Ана, томлар тепасида туғ –  
Қишиш – тиллари кесилган ғусса.  
Кунни қувиб келади бир қиз,  
Декабрни опичлаганча.

\* \* \*

Вақт шунчалар абжир, югурик,  
Тўхтамайди солсанг ҳам тушов.  
У ел каби учиб ўтади  
Орқасидан қувган каби ёв.

\* \* \*

Мен хаёлот юртида телба,  
Аҳволимни сўранг ўзимдан.  
Ўлимимдан кейин ҳам, тавба,  
Кўнглингизга сифармикинман?!

\* \* \*

Сиз чивиқсиз, мен пахталик енгдирман,  
Сиз буюксиз, мен заминдек кенгдирман.  
Сизга оппоқ тонгларимни тутқаздим,  
Үзим қаро тупроқ билан тенгдирман.

\* \* \*

Қандай гүзәл  
Шу ер, шу осмон,  
Хатто гүзәл тошлар, бутоқлар.  
Шу гүзәллик орасида, денг,  
Менинг умрим умр сүроқлар.

\* \* \*

Хаётдан хаёт изладим,  
Яшаңдан маңни.  
Неча бор йиқилдим,  
Турдим, югурдим.  
Ёруғ дунёларни  
Излаб топгани  
Нима жабр қилсам  
Үзимга қилдим.

\* \* \*

Вужуд асли ўткинчи ўзи,  
Рух абадий дерлар доимо.  
Вужудимни тупроққа берай,  
Рұхим юксалтиргин, Раббано!..

Учиб борсин булатдан нари,  
Етти қават күшкін самога.  
Күнгилларни муҳаббат қучган,  
Разолат етмаган дунёга.

Худбинликлар киғтидан тутиб,  
Юқин юкламасин зуғумли.  
Ёсуманлар йўлини тўсиб,  
Безовта қилмасин руҳимни.

Унга яна ҳаёт бер шодон,  
Дуч келмасин ноҳуш бир насим.  
Ҳаёт бериб яна бир карра,  
Бардошини синагин, Раббим.

Самовотда кезиб, адашиб,  
Йўқотса ҳам яна эсини,  
Дили билан топиб олади  
Ўзинг берган ҳаёт изини.

Ва яшайди яна бир марта,  
Битигини тўғри деб билиб.  
Ҳақиқат ва ҳалоллик ҳаққи,  
Оддийгина севиб, севилиб.

Вужуд асли ўткинчи ўзи,  
Рух абадий дерлар доимо.  
Вужудимни тупроққа берай,  
Рухим юксалтиргин, Раббано!..

\* \* \*

Бу тупроқнинг нигоҳи ҳорғин,  
Бу тупроқнинг юраги адo.  
Кўқрагимни кўтарайин деб,  
Кўксига тош отади дунё.  
Бу тупроқнинг юмуши оғир,  
Йўл беради ҳақу ноҳаққа.  
Юрагини узиб едириб,  
Туну қун ризқ тутади халққа.  
Кундузларнинг оқ-қораси бор,  
Инсонларнинг яхши-ёмони.  
Қанча кўзин ёпма, барибир,  
Тупроқ кўриб турар дунёни.  
Бу тупроқнинг жисми эзилган,  
Лек барибир зарда қилмайди.  
Вақт ва ҳаёт панд берар, аммо...  
Тупроқ панд беришни билмайди.

## **ДУО**

*Келинүм Риҳисидага*

Бу менинг келиніммас,  
Бу менинг қызим,  
Ховлида жимгина  
Юрап ғимирлаб.  
Сал баландроқ чиқса  
Баъзан овозим,  
Келинлиги тутиб  
Юрмайди қийнаб.  
Оёғи оғирдир –  
Кириб-чиқади.  
Баъзан чой,  
Баъзида шириналык керак.  
Менинг чиройимга  
Қараб туради,  
Менинг йўриғимга  
Юради бешак.  
Ҳаммага шундай қиз  
Муяссар бўлсин,  
Тун-кун дуодаман  
Шукронда қилиб.  
Илоё, туққани ўғил бўлсину  
Юзи ёруғ бўлсин  
Элга қўшилиб.  
Барча юмушларни  
Жо-бажо қиласар,  
Кўнглимга ҳам қарап  
Рўзғордан ортиб.  
У менинг юкимни тортиб боради,  
Мен дунё юкини бораман тортиб.

## **ИЖОДХОНАМГА**

Бу хонанинг  
Бағри бунча кенг,  
Мехри иссиқ унинг жудаям.  
Илкинсам ҳам менга келиб тенг,  
Мехр талаб қилмайди мендан.  
Жим-житгина раъйимга қарар,  
Кўз-кўз қилар на бўй, на энин.  
Ғудрансам ҳам, эркалансам ҳам,  
У бир умр тинглайди мени.  
Қучоғига олар ҳамиша,  
Ундан бирор садо чиқмайди.  
Қанча яшасам ҳам барибир,  
Менинг юрагимни сиқмайди.  
Бу хонанинг  
Бағри бунча кенг,  
Саховати, тафти ўзгача.  
Менга тутиб дунё неъматин,  
Эркалайди куздан кузгача.  
Балки менинг пойимни ўпиди,  
Соҳибим, дер, нигоҳ ташлайман.  
Олислаб кетсам ҳам,  
Яқин бўлсам ҳам,  
Мен уни соғиниб яшайман.  
Бу хонанинг  
Бағри бунча кенг,  
Пойдевори метин, мустаҳкам.

Унга сиғиб кетар қувончим,  
Соғинчларим ва аламим ҳам.  
Қоғозларим турар сочилиб,  
Унда менинг ҳидим туради.  
Қайга бормай,  
Кимга учрашмай,  
Ортимдан эргашиб юради.  
Кетаман, тонг билан  
Ҳаприқиб,  
Бор дардим,  
Азобим ёпади.  
Ҳар куни мени жим кутишга  
Үзида қаноат топади.  
Бу хонанинг  
Бағри бунча кенг,  
Дарди менинг дардимга тенгдай.  
Мен бир умр қувонч истадим –  
У бир умр яшади мендай.

\* \* \*

Сизни күп эслайман –  
Хотиримдасиз,  
Мен учун қадрли  
Сүзим сингари.  
Бир умр яширин  
Ботинимдасиз,  
Үзимдан излайман –  
Үзим сингари.

\* \* \*

Күз ўнгимда жимиirlар уммон,  
Нигоҳимда олов, нари ўт!..  
Совутмоқчи бўлиб ўзимни,  
Шивирлайман –  
Су-у-ув!..  
Ў-ў-ўт!..  
Ёлғиз-ёлғиз суратланамиз,  
Дардланамиз учала бирлик.  
Учовин ҳам бириктиради  
Битта битик –  
Ёлғизлик...

\* \* \*

Ўзингни босасан  
Учib кетишдан,  
Сўнг кўкда  
Даҳшатли булатга тегиб –  
Патларинг шилиниб,  
Қанотинг синиб,  
Самодан чил-парчин  
Бўлиб тушишдан.  
Бир сафар замининг  
Дилига тегиб,  
Отилиб учганинг  
Эслаб қоласан.  
Яна бир фалокат  
Бўлишин сезиб,  
Бир қалқиб,  
Ўзингни қўлга оласан.  
Ўзингни босасан  
Учib кетишдан...

\* \* \*

Мен дунёга келдим –  
Сен йўқсан...  
Тонгга қадар маст,  
Гандираклаб қидирдим бехуш.  
Неча кун...  
Неча ой...  
Неча йил...  
Ухлаёлмай, ҳануз телбавор  
Сен ҳақингда  
Кўраяпман туш.  
Қанча қидирмайин, барибир,  
Аввал кўзим,  
Сўнгра қўлларим,  
Сўнг оёғим боғлаб қўйди вақт.  
Не бўлса ҳам бугун бошимдан  
Кечмишларим юзини ёпдим.  
Бу умркуш тунлар тахидан  
Сени излаб-излаб,  
Ўзимни топдим.  
Мен дунёга келдим –  
Яна қайтадан!..

## **ЯНГИ ЙИЛ**

Миллар айланади дақиқа қувиб,  
Йил ҳам түрт фаслни этади ишғол.  
Ёмғирлар дунёнинг юзини ювиб,  
Янги йил! Янги йил! деб эсади шамол.

Сиз ҳам сездингизми бу кун шуқуҳин,  
Дилга бердингизми бирорта савол?  
Мен каби дунёдан ташвишлар юкин  
Кўтариб ташлашни қилгандек хаёл.

Сизнинг умрингиз ҳам йўл танладими,  
Сизнинг баҳтингиз ҳам экдими ниҳол?!  
Сизга ҳам мен каби мақсад ортидан  
Кўйиб-пишиб яшаш келмасми малол?!

Сиз ҳам кўрдингизми бугунги куннинг  
Эртанинг либосин кияётганин?  
Шошилинг, шошилмай яшаётганлар  
Ўзидан пушаймон бўлаётганин.

Мен бугун шод умрим остонасида  
Оллоҳдан эзгулик тилайман фақат.  
Менга ўхшамоқчи бўлганлар, келинг,  
Эзгу кунга ташриф этинг, марҳамат.

Мен бугун самодан заминга тушдим,  
Елкамдан қулади самовот юки.

Менга ҳам берилди, сиз ҳавас қилинг,  
Заминда барҳаёт яшаш ҳуқуқи.

Мен қўл тутдим сизга – ёнимда бўлинг,  
Оллоҳ сизни менга этсин таборак.  
Қувончлар қўшилсин қувончингизга,  
Янги йил муборак! Байрам муборак!!!

\* \* \*

Хукмбардор тақдирни менга  
Иши тушди,  
Йўқ деёлмадим.  
У елкамга юкини қўйди,  
Мен қаддимни ростлаёлмадим.  
Елкамда юк – қаддим майишган,  
Битта ҳалқа бўлиб юрибман.  
Шу ҳолдаям занжирни боғлаб,  
Мен дунёни тутиб турибман.

\* \* \*

Қанча довон ошдим,  
Қанча йил ошдим,  
Күркиб яшамадим барибир.  
Ҳатто чумолига заар қилмадим,  
Ёки биттә дилни қилмадим таҳрир.  
Яхшилик қидириб, яхшилик дея,  
Ёмонликлар ичра қолиб кетдим, рост.  
Ҳайрат уммонига кетдиму чўкиб,  
Ўзим қилолмадим ўзимни халос.  
Курту қумурсқалар орасига жим  
Кетиб бораяпман салтанат солиб.  
Ўзимни томоша қиласман, қаранг,  
Бир ҳовуч тупроқни кафтигма олиб!..

\* \* \*

Мен шу дунё каби қадимий,  
Шу заминдек мунглиғ ва кекса.  
Кўлларим дараҳтдек унарми,  
Баҳорда гулларми, тупроқка экса?..

\* \* \*

Олиб кетар рухимни бир кун,  
Жисмим қолиб кетар беэга.  
Ечилган бир либос сингари,  
Вужудимни сургашар нега?!

Балки йиртқич жонвордек итлар  
Оёғимдан олиб түярми?  
Ё бир қитъа ажратиб кимдир,  
ЖУМАГУЛ деб ёзиб қўярми?

Шундай бўлса эрта баҳорда,  
Бу кетишни баҳтга йўярдим.  
Юрагимдан қаламча йўниб,  
Шу қитъага экиб қўярдим.

Бу ниҳолнинг ҳар бир ғунчасин  
Шаббодалар очар эдилар.  
Гуллаётган юрак исини  
Ер шарига сочар эдилар.

Мен ҳам унда келажак сари  
Мангу ўчмас муҳр ўярдим.  
ЮРАК номин энг баланд уйнинг  
Пештоқига ёзиб қўярдим.

Юлдузлар ҳам, куёш ҳам келиб  
ЮРАК қитъаси деб яшарди.  
Менинг номим бутун дунёга  
Шу тариқа оммалашарди.

Бу ҳақиқат жонимни бир кун  
Олиб кетар, жисмим зормикин.  
Сўзларимни ёдлаб, исмимни  
Ёзиб қўяр кимса бормикин?..

\* \* \*

Адашсам, улоқсам  
Исминг унутиб,  
Яна сахарларда  
Чиқсам гоҳ-гоҳи,  
Жавоб бер, шунда ҳам  
Мен севганимдек,  
Мени севасанми,  
Севги илоҳи?!.

\* \* \*

Мен кўзини очдим  
Дунёнинг –  
Юввош эдим,  
Сирларим билди.  
Аввал дўстдек  
Ёнимда туриб,  
Кейин менга  
Хиёнат қилди.  
Камчилигин юзига айтдим,  
Дўстга садоқатни билмайди.  
Жаҳл қилиб аразлаб кетди,  
Бошқа мени сўраб келмайди.

\* \* \*

Сенга олтиндан тож  
Кийдиролмадим,  
Сенинг қўлларингга  
Куёлмадим сув,  
Менинг юрагимни олиб,  
Жиссимини –  
Ойдин оқшомларга  
Оқизган ҚЎРҚУВ.  
Заминга ёйилсам,  
Чечакларингнинг  
Нозик илдизига  
Синголаманми?  
Сўзласам, ичимни  
Ёндириб ётган  
Бори оловимни  
Енголаманми?  
Юлдуз бўлиб чиқсан,  
Кўкда яшашдан  
Осмонинг жонидан  
Тўйдирмайманми?  
Лаб очиб оташдан,  
Лаб очиб ишқдан,  
Куёшинг кўксини  
Куйдирмайманми?  
Етиб бораманми  
Сафарга чиқсан?  
Тақдир йўлларимни  
Қилар бўлса ўнг.  
Босиб чиқасанми  
Номимни яна –  
Шеъримнинг остига  
Миллион йилдан сўнг?!

\* \* \*

Февралнинг охири...  
Гоҳ тунд, гоҳ равшан,  
Самони тилади булатнинг тиғи.  
Менинг юрагимни ювиб чиннидай,  
Менинг томиримдан ўтар қизиги.  
Февралнинг охири...  
Заминни қучиб,  
Жаннат исматини  
Сочиб дафъатан,  
Бодомлар, гилослар,  
Шафтолиларнинг  
Ипак рўмоллари товланар бирдан.  
Яна настаринлар бўйи –  
Муаттар,  
Кўмрию қалдирғоч  
Айвонда елар.  
Буғдой кўкартириб  
Яна саватда,  
Ялпизларни териб  
Март кириб келар.  
Февралнинг охири...  
Осмон кўшкида  
Қўёш ҳам лол қолур  
Бу хуш чиройдин.  
Заминнинг кўксини ёриб,  
Энтикиб – дунёга қилади  
Бахор...  
Кўзойдин...

## **ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА**

Аскар, сен тик туришинг керак  
Ва юришинг керак олдинга,  
Ҳаётни, тинчликни қўриқлаб,  
Балогардон бўлиб ортингга.

Аскар, сен тик боришинг керак,  
Ҳар нишонга тутиб қўксингни.  
Бир бутоғи зарап кўрмасин,  
Бир ғишли кўчмасин юртингнинг.

Сен қўксингга таққанинг бугун –  
Йигитлик ғуури, номус-оп.  
Бир қадам қоқилсанг, ортингда  
Каъбадек муқаддас Ватан бор.

Ватаннинг шаънини кўтариб,  
Иллатлар йўлини бойлагин.  
Юрт бу – юракнинг бир бўлаги,  
Юртингни юракка жойлагин.

Тегрангда неки бор, қарагин,  
Ҳаммаси муқаддас бир мерос.  
Сен уни бехатар етказгин  
Авлодлар қўлига, илтимос!..

Сен қанот, сен кўрғон, қоя бўл,  
Заминга шаън, довруқ солиб юр.  
Миллионлар ишончин оқлагин,  
Тинчликни елканга олиб юр!

\* \* \*

Билмадим,  
Қандайин яшадим,  
Эгнимда нима?!  
Муносиб тушганми,  
Ярашадими?..  
Мен юрган шу күча,  
Шу боғ, шу ҳаво  
Сенинг даргоҳингга  
Туташадими?..

\* \* \*

Мен баъзида  
Юзим терс буриб,  
Гапирмасдан  
Оламан ўчим.  
Бор-е, деб  
Сен мени кечирасанми,  
Дунё,  
Қоидангни  
Бузганим учун?!

\* \* \*

О, мен сени қучяпман ўзим,  
Кулочим шу қадар ўсяптики!  
Хушбўй ҳаволаринг сипқориб ўпкам,  
Маъсум лабларимга эняпти кулги.  
Ўсяпман, шу қадар баланд ўсяпман,  
Ям-яшил кўйлагим боряпти сузиб.  
Иккала дунёмни қиморга тикдим,  
Фақат қўймасайдим энди ютқизиб.

\* \* \*

Вақтимни ўғирлаб  
Кетяпти ҳаёт,  
Жонимга тегмаса  
Тош отармидим.  
Кенгashiб ўтирмай,  
Мен ҳам бир қизиқ,  
Йўлин қирқиб чиқсан –  
Тўхтатармидим?..

\* \* \*

Үтлоқдаги шудрингдай  
Түкилиб турган жони,  
Тұхтаб бир силкиб қўяр  
Мудраётган дунёни.  
Дунё ҳам адирларда  
Ястаниб ётар атай,  
Қизғиши шойи кўйлагин  
Ювиб қирга ёйгандай.

\* \* \*

Хўқизнинг шохидаги  
Боряпман гўё –  
Жонимни отқилар  
Ҳар томон сузиб.  
Мен ҳам ҳар сузганда  
Зирқираб таним,  
Бақиргим келади  
Дунёни бузиб.

\* \* \*

Қанча умрим қолган,  
Қанча йўл босдим,  
Бугун қароқларим  
Бормоқда тўлиб.  
Мен ҳамон яшаяпман,  
Ҳамон йўлдаман,  
Бир ношуд кўнгилнинг  
Савдоси бўлиб.

\* \* \*

Елкамга битта дард  
Кетяпман осиб,  
Күрган-кечирганим  
Қоғоз, қалам, шеър.  
Бугун кўқрагимга  
Олганим босиб –  
Етти қават осмон,  
Етти қават ер.

\* \* \*

Эгнимдан  
Тўкилиб боряпти ҳаёт,  
Тану сиҳатимнинг  
Муддати ўтди.  
Мен билан бўйларин  
Тенглаштиrolмай,  
Сиз эккан дараҳтлар  
Кесилиб кетди.

\* \* \*

Яrim тун ошқозон безовта қилар,  
Ёпилган дастурхон ўчакишиади.  
Зулматнинг кўксини тирсиллаб бўлиб,  
Шундок ёнгинамда анор пишади.  
Бугун қозон-товоқ менга тескари,  
Рўзгор юмушига қарай демасман.  
Сўзлар суюгимга ботиб бормоқда,  
Лек Лорка эмасман, Байрон эмасман.

\* \* \*

Хали ҳаётман мен –  
Хали йўлдаман...  
Ёмонлар билсайди салб юришларин.  
Улар маст ғалаба нашидасидан,  
Ҳеч қачон ўйламас йиқилишларин.  
Мени ҳам кўрсалар эди шу йўлда,  
Тўғриман деб дилим ситилиб борар.  
Умримнинг ҳар битта сахифасига  
Қувонч, кўз ёшларим битилиб борар.  
Хали ҳаётман мен –  
Хали йўлдаман...  
Ҳис этиб боряпман чаён нишларин.  
Шу йўлдан қуёшга томон юраман,  
Битиб эзгуликнинг буюк ишларин.  
Хали ҳаётман мен –  
Хали йўлдаман...

## ҚОР

Чанг, тупроққа ботиб,  
Томма-том чопган –  
Кўрайин деб бебош  
Дунёнинг ҳолин.  
Накшин айвонида  
Ўтириб олиб,  
Осмон қоқар оппок  
Парку рўмолин.

\* \* \*

Ҳали ишқнинг давосини  
Топмади дунё,  
Ҳали унинг беморлари  
Тизилиб борар.  
Ҳали яна миллиард йиллар  
Тақдир – савагич,  
Ҳижрон номли урчук ипи  
Чўзилиб борар.

\* \* \*

Шикоят қилмаяпман,  
Ганимим қўймайдими?  
Юрагимни қурт каби  
Кемириб тўймайдими?  
Миқ этмасам, бир куни  
Муносиб бандам дея,  
Яхшиларига қўшиб  
Мени ҳам қўлладими?..

\* \* \*

Сенинг караминг кенг –  
Назаринг улуғ,  
Биламан, жисмимни пок яратгансан.  
Мен нима ҳам дердим –  
Агар сен мени  
Яшаб бўлдинг десанг,  
Кетасан десанг.  
Ўзи ҳам минг марта кўнглимдан ўтди,  
Бир “ух” билан бориб сенга етишим.  
Неки берган бўлсанг –  
Не олган бўлсам,  
Барини дунёга ташлаб кетишим.

\* \* \*

Мен дунёга келиб,  
Совқотиб кетдим –  
Иссик либосларга  
Үранган чоғим.  
Мени қучган кенглик  
Уникқан эди,  
Сарҳадларга  
Сиғмас эди оёғим.  
Фақат кўк гумбазнинг  
Чокини йиртиб,  
Юлдузлар юзини  
Юварди ёмғир.  
Ёмғирли дунёда,  
Қорли дунёда  
ҲАЁТНИ орқалаб  
Яшамоқ оғир.

\* \* \*

Тун ярмидан оғган –  
Иккию қирқ беш,  
Эшик ортида қиш  
Қилич сермайды.  
Бошимни ёстиққа  
Қўйсам йўл сўраб,  
Узук-юлуқ сўзлар  
Мени қийнайди.  
Секин юқорига тортаман,  
Кўрпа –  
Қулочини ёзиб,  
Кўнглини ёрап.  
Оёгини тортиб  
Ололмай сукут,  
Қоқ елкамда қолиб  
Инграб юборар.

\* \* \*

Мен күзга күринмай  
Яшамоқдаман,  
Хеч ким сўрамайди  
Кимлигимни ҳам.  
Ёнгинамда туриб  
Мени танимас,  
Минг йил бир кулбада  
Қолса бир одам.  
Бир кун етиб келса  
Мени сўроқлаб,  
Ўтган йўлларимдан  
Изласа бир из,  
Мени таниганлар,  
Мени билганлар,  
Унга мен ҳақимда  
Бир нима дерсиз.

\* \* \*

Қандай дунёсан ўзи,  
Бунчалар қаҳринг қаттиқ?  
Сен тутган май талх демай,  
Жим-жит сипқораяпман.  
Тилим чиққандан буён,  
Мен ҳам суюгим қотиб,  
Йиқилиб-туриб сени  
Кузатиб бораяпман.

\* \* \*

Вақт менга зуғумин  
Үтказа олмас,  
Сўзларини кесиб  
Ташлаяпман мен.  
Қанча уринмасин,  
Қанча тортмасин,  
Ундан ташқарида  
Яшаяпман мен.  
Мен уни маҳв этиб,  
Яшаётганим  
Қоғоз-қаламларим  
Яхши билади.  
Лек ўзим ўзимни  
Ёқлашим учун  
Яшашимнинг ўзи  
Камлик қиласди.  
Вақт бугун мен билан  
Тенглаша олмас,  
Билмам, қай тезликда  
Юриб турибман.  
Минг йиллик  
Ҳаволар истиқболини  
Худди бугунгидек  
Кўриб турибман.

\* \* \*

Мен ҳам тирикман ё  
Яшаяпман деб,  
Чақмоқлар йўлига  
Чиқиб айтсайдим.  
Маънили бир нима  
Ёзиб сиз учун,  
Вақтни мангуликка  
Мухрлатсайдим.

\* \* \*

Қанчалар хатарли  
Бу йўлдан юриш,  
Ахир атрофимда  
Юлдузлар бисёр.  
Қандай юриб,  
Қандай сўзламоқликни  
Сиз қанча ўргатманг,  
Бўлмадим хушёр.  
Фақат... Фақат...  
Тан олмайин йиқилишларни,  
Бошимни балога тутиб боряпман.  
Қанча сўроқлару уч нуқталарни  
Миқ этмай ичимга ютиб боряпман.

\* \* \*

Бу дунёнинг эшиклари берк,  
Остонаси супуримаган.  
Кўнгли қолган унинг менингдек  
Пешонаси тиришганлардан.  
Шунинг учун ичкари кириб,  
Ётиб олган – ҳеч ким билмайди.  
Тирикликни писанда қилиб  
Юрганларга раҳм қилмайди.

\* \* \*

Жимгина ўламан  
Ажалим етса,  
Ҳеч кимнинг дилига  
Еткизмайман дарз.  
Эътироф этаман  
Фақат Худойим,  
Унинг даргоҳидан  
Эканимни қарз.

## **ФЕВРАЛНИНГ ОХИРИ**

Совуқнинг кетгиси келмайди сира,  
Изғиринни тишлаб олади тишга.  
Жажжи ўғилчасин бурнини артиб,  
Қизим аччиқ қиласар қаҳрли қишига.  
Дераза кўзлари тин олар оғир,  
Оёқ боссанг уйлар шифтига тортар.  
Остонада, бир чўп ўтин деб, сағир –  
Чўян печ ҳам қиши ёзғириб ёттар.

\* \* \*

Денгизга ўхшайди бу ҳаёт,  
Сувда ҳам, нурда ҳам акси бор.  
Унутиб қўйса ҳам одамзод,  
Ҳеч кимга бўлмас беэътибор.  
Денгизга ўхшайди бу ҳаёт,  
Йўлма-йўл, қўлма-қўл тош отар.  
Ҳеч кимса бехабар қолмайди,  
Тўлқинлар наъраси уйғотар.  
Ва шундай кунларнинг бирида  
Навбат-ла манзилга элтади.  
Яҳшидир, ёмондир – ҳаммани  
Бирма-бир оқизиб кетади.  
Денгизга ўхшайди бу ҳаёт...

\* \* \*

Ҳаёт билан битимга келдим,  
Бошқа оёғимга ўралашмайди.  
Ҳар куни бир луқма ташласам,  
Бир четда жимгина яшайди.

\* \* \*

Мен узоқ инградим  
Севгидан дард чекиб,  
Дилимни ғашласам.  
Ишқимни оёққа санчилган  
Тикондек суғуриб ташласам.  
Бу оташ ўзига иситиб,  
Минг марта чилёсин қилади.  
Мен ғариб, бечора усиз ҳам  
Бўғилиб кетишим билади.  
Қисмат-да, қандайин оҳ чекмай,  
Қандайин тўсай бу тўлқинни.  
Севги бу – юракнинг қуёши,  
Қуёшсиз яшамоқ мумкинми?!

\* \* \*

Узоқ юриб толиқиб, ҳориб –  
Елкасига ёпиб нажотни,  
Дунё менинг олдимга келиб,  
Фийбатини қилар ҳаётнинг.

\* \* \*

Хаёт олиб қўйди қўлда боримни,  
Кузак боғларида ич-этимни еб  
Кетаётган эдим, ўзи тўхтатди,  
Менинг борлигимни таърифлагин деб.

\* \* \*

Мен қандайин тирик юрибман,  
Қўлларимни чўнтакка солиб.  
Қанча сўзни дилимга осдим,  
Сўз жангидаги бўлолмай ғолиб.  
Мен қандайин тирик юрибман,  
Қароқларим бўлмоқда зиндан.  
Чиқишига йўл тополмас, маҳбус –  
Сўз аталмиш минглаб тирик жон.  
О... Бу сўзлар дилимда лак-лак,  
Туйғу лашкар, қурбонлик ҳадик.  
Ҳар сониям тўкилиб борар,  
Нураётган улкан қитъадек.  
О... Бу нураш ҳали минг йиллар  
Сўзлар сизнинг ёруғ хатингиз.  
Ҳеч бир ганим қулата олмас  
Сизнинг буюк салтанатингиз.  
Сўзлар...  
О... Бу – сўзга дохиллик.

\* \* \*

Бир парча сурат бу –  
Кўнглимнинг шакли,  
Қайси рассом чизган  
Қай бир замонда.  
Менинг бор бисотим  
Шу эди асли,  
Кўнгилни суратга бериш  
Ёмон-да.  
Гулларнинг шивири,  
Ифорлар ишқи,  
Ғунчаларнинг бўйи  
Маст этар эди.  
Ўша бир парча ер,  
Бир кафт осмон ҳам  
Эврилиб жонимга  
Қасд этар эди.  
Шу сурат узоқ йил  
Қайдадир қолди,  
Қайсиdir гўшада  
Таъқиб этди жим.  
Энди ўша сурат  
Бугун кўлимда,  
Бироқ бу дунёда  
Йўқ менинг кўнглим.

\* \* \*

Мен емрилиб кетган бир қоя,  
Сен ичимда тирик толасан.  
Узилиб, топмайин ниҳоя,  
Борлиғим нишонга оласан.

Бу баҳтми, қайғуми, билолмам,  
Ё қилган хатомга тўловми?..  
Умрнинг ярмидан ошганда,  
Оллоҳдан яна бир синовми?..

Ҳаётда ҳаққи йўқ кимсадек,  
Гоҳ унга тескари тураман.  
Гоҳида саволлар комида  
Оқ байроқ кўтариб юраман.

Мен ўша емрилган қояман,  
Ичимда тириkdir бир тола.  
Бу жойдан кетиш ё қолишим,  
Худойим, ўзингга ҳавола.

Мен емрилиб кетган бир қоя...

\* \* \*

Баҳор гулларидек  
Ранго-ранг яшнаб,  
Баргларини тўккан  
Гулбутоқ каби,  
Ёзнинг иссиғию  
Қишининг заҳрини  
Енгиб чиққан жоннинг  
Пичирлар лаби.  
Қанча ситамлару  
Қанча қувончлар  
Шу қақроқ жуссага  
Бўлиб борар жо.  
Ҳеч кимга ҳеч нарса  
Демай, жимгина  
Ўз ишини ўзи  
Кузатар дунё.

\* \* \*

Наҳотки мен тирик мавжудот,  
Наҳот кетиб боряпман шундай.  
Наҳот менга йўл бердинг, хаёт,  
Тириклигим писандада қилмай?..

Наҳот ҳали ёзаяпман мен,  
Қўлда қалам, қофозни тирнаб.  
Ахир тирик бўлсам, не учун  
Мени олиб кетяпсан сургаб?

## ЙҮЛДА

Йўл товланар ойнадек текис,  
Югуради юраги куйиб.  
Кифтим узра келиб қўнади  
Тоғлар яшил кўйлагин кийиб.  
Учиб келар қатор тераклар,  
Йўл югурап ховурин сочиб.  
Томлар кўзи бақрайиб қолар,  
Ҳайратидан оғзини очиб.  
Оппоқ гулга кирган ўриклар  
Эргашади баҳона топиб.  
Тизилишиб етиб олади  
Теракларнинг ортидан чопиб.  
Ўқдек учиб борар машина,  
Катта йўлнинг жиловин тортиб.  
Тераклару оппоқ ўриклар,  
Тоғларни ҳам кифтига ортиб.  
Учиб бораверар шошилиб,  
Ўзи ором танқис дунёда.  
Юк босганча ҳансирар юрак,  
Етиб ололмайин пиёда.

\* \* \*

Үйим деворлари тураг жиҳозсиз,  
Идиш-товоқларим оддийдан-оддий.  
Гиламларимни-ку гапириб бўлмас,  
Бироқ ҳаммасининг юраги бордир.  
Ҳаммаси ҳам яшар мен билан бирга,  
Ҳаммасининг мақсад-муддаоси бор.  
Йиғласам йиғлайди, кулсам кулади,  
Оғринсан оғринар тун бўйи бедор.  
Фақат одамлардек манфаат кутмас,  
Менсиз қолар бўлса, сўзсиз, адашар.  
Бу ёруғ дунёда ҳаммадан зиёд  
Мени дейишади –  
Мен учун яшар!..

\* \* \*

Апрель...  
Қишдан зада табиат  
Бир лаҳза дағдаға солади.  
Сўнг жами ям-яшил ёвуқлик  
Бошини кўтариб олади.  
Новдалар исиниб қуёшда,  
Кўз ёрар булбулнинг тилидек.  
Ғунчалар жон олуд товланар  
Тўқ пушти шафтоли гулидек.  
Сўнг учиб юради ҳовлида  
Қувлашиб гулбарглар тўдаси.  
Кўнглини сўрасанг сўзлолмас,  
Тўкилиб кетади ўпкаси.

\* \* \*

Мудҳиш бир жиноят  
Содир этгандек,  
Үзимни айбдор сезиб турибман.  
Хаёт ҳам қаршимда туриб қасдма-қасд,  
Масхара қилгандек кулади мендан.  
Мен эса ҳайтдан умидвор бўлиб,  
Бирор кас этагин тутмай кетяпман.  
Бу дард уммонига чўкиб кетмай деб,  
Кутқарув кемасин кутмай кетяпман.

\* \* \*

Қизил-қўнғир жило бериб сочига,  
Гоҳ зангор товланиб, гоҳи зарғалдок,  
Дарахтлар дунёнинг сулувларига  
Гўзаллик дарсидан беради сабок.

\* \* \*

Мен ҳеч кимдан  
Умид қилмадим,  
На мартаба,  
На орзу-ҳавас...  
Фақат бир кун  
Мен босган йўлни  
Нотўғри деб  
Айтмасангиз бас!..

## **МЕХР**

*Валиқұл Бердиқұловнинг яхшиликка  
жавобан эътибор ҳақидағы фикрлари.*

Одамзод энг буюк мүйжиза эрур,  
Унда тушунчалар шохи – күнгил бор.  
Үтамиз бир ширин сўзимиз аяб,  
Шундайин рутбага қилмай эътибор.

Баъзан бир-бировга яхшилик қилиб,  
Ёки тингласа ҳам дил сиримизни,  
Бу инсон кўнглини эҳтиёжи деб,  
Йўқлаб қўёлмаймиз бир-биримизни.

Эҳтиёж бамисли моддият эрур,  
Кўнгил мулки хосдир маънавиятга.  
Бир чимдим эътибор етиб ортади  
Одамзод аталмиш буюк хилқатга.

Оlam яралмишки, инсон дилини  
Мехр қуёши-ла этар мунаvvар.  
Асли зиёратга берилган умр,  
Зиёрат тугамай умrimiz тугар.

Унутиб қўйманг бу бир кам дунёда  
Эзгулик, оқибат толаётганин.  
Сизга яхшиликлар қилған одамнинг  
Хизмати жавобсиз қолаётганин.

Шундай яшаш керак асли ҳаётда,  
Faфлат либосини елкадан ечиб.  
Мехр тутиш керак барча одамга,  
Беш кунлик дунёда ўзидан кечиб.

\* \* \*

Ажинларин йўқотмоқчидек,  
Яноғига суриб олтин ранг.  
Сўнг қуёшдан уялиб, аста  
Япроқ –  
Юзин беркитар аранг.  
Сувдан қўрқмай,  
Тош ё лой демай,  
Сўнгги бор ишқ, дея –  
Ўксиган...  
Юрагини тутиб  
Заминга,  
Вужудига сингар  
Кўксидан!..

## **СЕХРЛИ БАРМОҚЛАР**

Сеҳрли бармоқлар, сирли бармоқлар,  
Шифои нур эрур,  
Давои малҳам.  
Эрам боғларидан қайтиб келади  
Бармоқлар сехрини илғаган одам.  
Жисму жонингдаги жами аъзолар,  
Гоҳ бош ва гоҳида юрак нуқтаси.  
Ҳаёт чизигидан кесишиб ўтар,  
Ажал –  
Агар эгри бўлса бармоқ тухфаси.  
Бир оппоқ орзунинг дояси бўлиб,  
Елкадан оёққа қадар сирғалар.  
Шарбат булоғига сингиб кетар, ким  
Бармоқлар сехрини илғаса агар.  
Фақат тоза ният керак тонг каби,  
Ҳар ким яраттандан бўлса боҳабар.  
Уқалаб жон ипин улаб қўяди,  
Бармоқлар сехрини кўрсатса агар.  
Бир тор узилади ёки уланар,  
Яна истиснолар бўлиши мумкин.  
Баривир дунёга таъзим қиласман,  
Шундайин бармоқлар борлиги учун.

## АХД

Тун...  
Ой кўқда сузади,  
Сукунат кияр қора.  
Юрак бандин узади  
Сира тузалмас яра –  
Унутмоқ азобида.

Тонг, қуёш билан ўйнар  
Эркаланиб япроқлар.  
Куни бўйи чўчийди  
Дуч келишдан нигоҳлар –  
Унутмоқ азобида.

Сукунатни, кундузни  
Тутиб турар битта ип.  
Масофа чўзилади,  
Армон кетар чўзилиб –  
Унутмоқ азобида.

Фақат эрка шамоллар  
Умрни титкилайди.  
Аҳд қиласи, ўзига  
Сўнг қаноат тилайди –  
Унутмоқ азобида.

Битта садо узилар,  
Атроф кетади чўчиб.  
Ўлимимни кутаман,

Изим кетади ўчиб!  
Унутмоқ азобида,  
Унутмоқ азобида...

\* \* \*

Келаяпсан ҳануз хаёлан,  
Мен сен билан видолашмадим.  
Атрофимда куюқ бир туман,  
Қайрилмоқça сиғмайды ҳаддим.  
Келаяпсан гүё бош эгиб,  
Менга асл баҳо бергудай.  
Мен ўзимни юпатолмайман,  
Чалғитмоқчи бўламан атай.  
Сен минг марта қоласан бироқ,  
Мен минг марта сен-ла ёнма-ён  
Одимлайман, ҳаётим каби  
Хаёлимдан кетсайдинг осон,  
Хаёлимдан кетсайдинг осон...

## **МАРСИЯ**

*Акам Муродулло Сувоновга*

Парвардигор синар сабримни,  
Хануз тополмайман қадримни.  
Сүфиқушлар тинглар дардимни,  
Нега йиғлаб, недан түйдим мен?..  
Бош оғамни бериб қўйдим мен.

Ҳаёт ёлғон, оввораман деб,  
Бир сайдман мен, сайёраман деб,  
Дил қўйида минг пораман деб,  
Нени айтиб, недан куйдим мен?..  
Бош оғамни бериб қўйдим мен.

Отамдан сўнг сиз бош эдингиз,  
Ёнимизда йўлдош эдингиз,  
Дил ёритар қуёш эдингиз,  
Кимни қўйиб, кимни сўйдим мен?..  
Сизни қандай бериб қўйдим мен?!

Бугун хаёл жиловлаб олди,  
Етолмадим – оёғим толди.  
Кетганингиз билиниб қолди,  
Ёлғон дедим, тушга йўйдим мен,  
Сизни қандай бериб қўйдим мен?!.

Баҳор бўлсин, умид бор бўлсин,  
Қолганлар шод-бахтиёр бўлсин.  
Сизга худо ўзи ёр бўлсин,  
Қалбимда бир ҳайкал ўйдим мен,  
Сизни қандай бериб қўйдим мен?!.

\* \* \*

Узок ўргандим мен  
Хаёт дарсини,  
Саводхонлар каби  
Йўл тутаяпман.  
Унинг мактабидан  
Не олган бўлсам,  
Барини  
Ўзига ўқитаяпман.

\* \* \*

Мен ноҳақ эканман,  
Биргина сўз деб,  
Дилимда борини  
Сочиб юрибман.  
Ҳайратим, қувончим,  
Имконимдан ҳам  
Юз буриб, ўзимдан  
Қочиб юрибман.  
Ваҳоланки, фикрим  
Хомхаёл экан,  
Хаёт деб ўзимни  
Не кўйга солдим.  
Умримнинг сарҳисоб  
Чоғи келганда,  
Тупроққа термулиб  
Ўлтириб қолдим.

\* \* \*

Мен ҳеч нарса ёза олмадим,  
Камалакдек рангин, дил олуд.  
Сал ажалга сабр берсайди,  
Қолмас эдим сира уялиб.  
Болга буркаб ёзар эдим мен,  
Нима деяр бўлсам деримни.  
Ер шарига битиб кетардим  
Энг мукаммал шодон шеъримни.

\* \* \*

Мен тўртта қаторга...  
Гавҳар тераман,  
Симобдек югурап  
Кўзим йўлаги.  
Мен сўз тўқияпман...  
Бир сўз тўқияпман –  
Намозшомгулдек,  
Тунда ҳам гуркираб  
Тураги юраги.

\* \* \*

Мен ҳали тирикман –  
Оллоҳга шукур,  
Жуда олис йўлни  
Забт этдим бешак.  
Мени қучогига  
Олмоқлик учун  
Ўлим –  
Хаётидан кечиши керак.  
Мен ҳали тирикман!..  
Кўраяпсизми?..  
Қисмат бошим узра  
Дардини элар.  
Бир куни қўлимни сўраб,  
Қошимга –  
Ўлим,  
Хаётини кўтариб келар.  
Мен ҳали тирикман,  
Оллоҳга шукур!..

\* \* \*

Менинг васиятга ноил  
Кимим бор?..  
Оғамми,  
Боламми?..  
Үзидан ортмас.  
Қанча ўйламайин,  
Улар барибир  
Менинг умрим сүнса  
Үйимга тортмас.  
Набираларимни  
Эслайман кейин,  
Балки улар мени  
Этишар эъзоз.  
Бир уват ошган деб  
Балки ўйламас,  
Балки қайта ёзар  
Қилмай эътиroz.  
Нима бўлганда ҳам,  
Бир Биру Борим,  
Икки дунёимга  
Ўзингсан эга.  
Норози кетмасин  
Десанг уйингдан,  
Ўлсам, ҳаётингдан  
Жой бергин менга!..

\* \* \*

Мен сени элтаман, күнглим, ўксима,  
Қирмизи гуллару тоза ҳавога.  
Тўйгунча ўсасан гулларин қучиб,  
Ифорларин сочиб ёруғ дунёга.

Мен сени элтаман, күнглим, ўксима,  
Мовий самоларга севдириб пинҳон.  
Ва сўнгра сув бўлиб оқсам дарёга,  
Бу ҳаёт суви деб ичтири, художон.

Мен сенинг йўлларинг буткул очаман,  
Ҳозирча депсима, ҳозирча тўлма.  
Мен ахир жаннатий бўлмоқчиман, сен  
Менинг йўлларимга тўғаноқ бўлма!..

Сени кўксим узра арзанда қилиб,  
Мудом овозингга қулоқ тутаман.  
Азобингми, дардинг демай барини  
Бир-бир эшитаман, бир-бир ютаман.

Сен-чи, бунча ғавғо этасан ахир,  
Ёки сенга улкан кўкрагим торми?..  
Йўқса ўзинг гапир, ёруғ дунёда  
Сенга мендан ортиқ меҳрибон борми?..

Мен сени элтаман, күнглим, ўксима,  
Бағридан бадарға этса ҳам жаҳон.  
Яратган эгамга тутсам ишониб,  
Ўзи гуллатади сени художон.

Мен сени элтаман, күнглим, ўксима!..

## **ОМОН БҮЛ**

Юз марта омон бўлгин,  
Минг марта омон бўлгин.  
Отингни Омон қўйдим,  
Мангу шодумон бўлгин.

Сени қўзмунчоқ қилиб,  
Кўкрагимга қўндиридим.  
Қайси боғдан тиладим,  
Қай чаманда ундиридим.

Эзгулик дарахти бўл,  
Армон ёнсин ловуллаб.  
Шохларинг силкитиб тур,  
Бахтлар оқсин шовуллаб.

Баҳорда гул, куз-қишида  
Мехр тутиб яшнагин.  
Мен тупроқман, пойингдан  
Кувват олиб яшагин.

Дунё бўлсин сўзона,  
Ҳаёт ипин улаб қўй.  
Онам, дея, заминнинг  
Кўзу қошин силаб қўй.

Бу тупроқ табаррук де,  
Гулшан, күшкү хонам де.  
Ким нима деса, десин –  
Тупроқ менинг онам, де!..

Сен омон бўл, Омонжон!..  
Дард, ёмонлик ёт бўлсин.  
Мен – шу тупроқ хурмати,  
Бори умринг шод бўлсин!..

## ЙЎЛ

*Хушовоз хонанда  
Охунжон Мадалиев хотирасига*

Бу дунёдан ўтар йўл –  
Ким шодумон, ким ғарип.  
Мехр тутиб борар, дил –  
Кўпригига кўтариб.

Ҳарорату ишқли сўз,  
Оҳанг бериб мулойим.  
Шундай ҳофизга чала –  
Умр бердинг, худойим?!..

Созин тинглаб, тўкилиб,  
Бу қўнгил нетиб борар.  
Тобутлари тўлғониб  
Охунжон кетиб борар.

Күлларида тор тутиб,  
Лабда тутиб садони.  
Эгнига кийиб оппоқ –  
Тонгги, маъсум дунёни.

Қалбга қадаб чархпалак,  
Қон юрагим ўхшалди.  
Ховучида оқиб дил –  
Шу йўлларга тўшалди.

Бу дунёни кўрганлар  
Ортига кўз ташлайди.  
Орамиздан кетганлар  
Қалбимиизда яшайди!..

\* \* \*

Жуда гуноҳкорман,  
Хатоларим кўп,  
Онажон, ёнингда  
Тура олмадим.  
Ҳамма юрган  
Қишлоқ кўчаларидан  
Мен ҳам болалардек  
Юра олмадим.  
Аввал юрагимни  
Елларга бердим,  
Кейин ақлу ҳушим  
Менга қилди кек.

Шамолдайин увлаб,  
Ёмғирдай ивиб,  
Четга чиқиб қолдим  
Худди телбадек.  
Энди йўлларимнинг  
Бош-адоги йўқ,  
Тонглар юрагимга  
Жўшиб киролмас.  
Энди қишлоғимнинг  
Чанг кўчасида  
Қолган кўнглим мени  
Кечира олмас.  
Энди менинг умрим  
Кинли, аразли,  
Менсиз ҳам пок нурни  
Кучиб боради.  
Жисмини заминга  
Ечиб ташлаган  
Шамолдек  
Ҳавода учиб боради.  
Энди менинг нохуш  
Салтанатимда  
Бир рух кезинади  
Маст қуюн қадар.  
Тупроққа қоришиб  
Кетсам ҳам, манзил –  
Маконини топмай  
Кезар дарбадар...  
Энди нигоҳимга

Мұхрланган айб,  
Унга жами борлық  
Этади хужум.  
Энди миллион йиллар  
Қилиб занжирбанд...  
Күзимни қүёшга  
Этишар маҳкум!...  
Энди замин узра  
Бир либосдек, хор –  
Тұшалиб, суприлиб,  
Кейин... Сүнаман...  
Онажон!..Йиглама!..  
Менинг ҳолимга,  
Мен энди барига  
Жим-жит күнаман!..  
Жуда гунохкорман  
Сенинг олдингда...

## **РИЗОЛИК**

Умримга етмоқда қазолик,  
Менинг ҳар калимам ризолик.  
Хақирилик, фақирилик, дутолик...  
Дилингиз очилса эшиқдай,  
Дилимни эшитса күшиқдай.  
Мен кимман, сизга сүз битолсам,  
Фикрингиз пойига етолсам.  
Тўкилсам шу юртда адодай,  
Сўзингиз тилансам гадодай.

Бирма-бир айтолсам дилим шод,  
Кувончга чулғонса хотирот.  
Камингиз-кўстингиз севолсам,  
Душману дўстингиз севолсам.  
Севолсам хозиру ғайбингиз,  
Савобдек туюлса айбингиз.  
Севмадим, азаллар битилди,  
Кўшиғу ғазаллар битилди.  
Пойига чўқмадим ҳеч кимнинг,  
Севги деб тўқмадим кўнглимни.  
Кечиринг, йиғлатиб сўзимни,  
Мен фақат севибман ўзимни.  
Ўзимни ўйлабман, оҳ! – дея,  
Ҳисларим зулмат-ла ёпибман.  
Мухаббат тафтидан беркиниб,  
Фожеали қисмат топибман.  
Энди чин ризолик битишим,  
Бул хаёт сахнидан кетишим.  
Қайғум-ла тўладир дил-кема...  
Умримга битилмиш хотима...  
Кечиринг, чалғитиб кўзимни,  
Севганим учун мен ўзимни.

\* \* \*

Хамма шошаяпти  
Менга йўл бермай,  
Хамманинг ҳам зарур  
Юмушлари бор.  
Бир-бирини туртиб,  
Олдинга ўтиб,  
Бир-бирин кўнглига  
Еткизиб озор.

Ҳеч кимсага тегмай,  
Шошилмай, секин,  
Ранжу ситамларни  
Суриб устимдан.  
Йўлдошларимни жим  
Кузатиб, қаранг!..  
Мен ҳам шу манзилга  
Келиб турибман.

Факат қўлларимда  
Ҳеч вақоим йўқ,  
Дилимда нима бор –  
Хабардор Эгам...  
Энди даргоҳига  
Шошмай, битталаб,  
Ўтказиб олади  
Навбати билан...

\* \* \*

Печкага термулиб қарайман, ана,  
Хонам бурчагида мунғайган, ожиз.  
Қора күмир...  
Үтин пинжидан бокар,  
Олтмишинчи йиллар  
Қолиб кетган из.  
Шаҳар марказида,  
Қоронғу уйда  
Бир бола дунёга келади –  
Ташвиш...  
Ҳаммани мазахлаб  
Кулар күчадан,  
Ҳуштагини чалиб  
Ўтаётган қиши.  
Бугун йўллар анча  
Кўринар равон.  
Камайиб бормоқда  
Кечаги камлар.  
Йилларни байроқдек  
Бошга кўтариб,  
Унинг соясида яшар  
Одамлар.  
Кузги боғлари ҳам  
Яшнаган юртда  
Биз ҳам яшаяпмиз  
Ғамдан ғам емай.  
Фақат юракларни ёқиб,

Исиниб,  
Қишдан чиқаяпмиз  
Ҳеч нима демай.

## **ХАСТАНИНГ ҲАСРАТИ**

*Халқнинг насибасига шерик баъзи  
кўзбўямачиларга*

Қиш қиличин қайраб келмоқда,  
Мендек хаста бўлсанг йиглайвер.  
Элни иссиқ, ёруғдан қисган  
Қабоҳатнинг жазосини бер!..

Худойим-а, ёлғиз қўлликман,  
Адолат деб тўқаяпман тер.  
Халқнинг ризқин қирқмай нон емас,  
Залолатнинг жазосини бер!..

Хаста ётар, қария ётар,  
Ёвғонига мудом сув қотар.  
Гапирма!.. деб, яна тош отар,  
Касофатнинг жазосини бер!..

Шундай обод замонда ундар,  
Кўмир олгин, ўтин тер, чўп тер.  
Элнинг қадрин топтаган нокас,  
Надоматнинг жазосини бер!..

Қишиң қиличин қайраб келмоқда,  
Сен худодан шафқат сүрайвер.  
Шундай элни қақшатаётган  
Маломатнинг жазосини бер!..

Совуқдан дир титрар вужудим,  
Қоронғуда ёзаяпман шеър.  
Ёлғонга түн кийдираётган  
Разолатнинг жазосини бер!..

\* \* \*

Япроқлар шитири  
Кучайиб борар,  
Ёмғирларда ювиб  
Юзин чангини.  
Заминнинг кўксига  
Бошини қўяр,  
Куёшда кўз-кўзлаб  
Олтин рангини.  
Сўнг юрак мисоли  
Ўйноқлар маҳзун,  
Умрнинг қузидек  
Хорғин туриши.  
Бир ҳаёт дарахтин  
Сўнгти япроги –  
Бир инсон юрагин  
Сўнгги уриши...

\* \* \*

Тугаб бораверсам,  
Кетсам узилиб,  
Дардингизни ютиб,  
Ғамингизни еб.  
Афсусланмайсизми,  
Бир куни келиб?..  
Шундайин одамни  
Сезмабмиз-да, деб.

\* \* \*

Қорли тоғлар, ойдин күллар,  
Осмонларга ойна, – денг.  
Юрагимнинг аксин кўрай –  
Куёшдами, ойда мен.

Пойим узра ўйнаб юрса  
Шаън юлдузлар соққадек.  
Жилғачалар жилмайсаю  
Денгизлар қилса ҳадик.

Фақат тортинмайин мендан,  
Чорлайверса қўшиқ, шеър.  
Фақат соғинч гирдобида  
Қучоқ очиб турса ер.

Воҳ, кўзларим очиб кўрсам,  
Умр елдек елибди.  
Даргоҳидан мени сўраб,  
Ҳақ хабари келибди.

Сархуш бўлиб самоларда,  
Сўнгги бор им қоқкан дам.  
Шу тупроқдан икки газ ер  
Буюарми менга ҳам?!..

\* \* \*

Мен шундай илоҳий  
Қилич бўлсайдим,  
Илдизин чопардим  
Ёмонликларни.  
У менинг умримни  
Кесиб бормоқда,  
Томиримга босиб  
Ўткир тиғларни.

Мен шундай илоҳий  
Қилич бўлсайдим,  
Гуноҳлар умрини  
Узиб ташлардим.  
Тузхалтага солиб  
Уларнинг барин,  
Куёшнинг тиғига  
Тутиб яшардим.

Илдиз отолмайин,  
Күкаролмайин,  
Сув ва тупроққа зор  
Бўлиб ўтарди.  
Тузларга қоришиб,  
Гуноҳ, ёмонлик,  
Ўз шўридан ўзи  
Куйиб кетарди.

Мен шундай илоҳий  
Қилич бўлсайдим...

\* \* \*

Менинг оёқларим  
Ором топмади,  
Нигоҳларим эса  
Тополмади жон.  
Билмадим, мен қанча  
Пиёда юрдим,  
Нураб кетмадими  
Мен билган ошён?..

\* \* \*

Күнғир рўмолини  
Кифтига солиб,  
Шамолда тебраниб,  
Маст каби беҳол,  
Бемалол ажриққа  
Ўтириб олиб,  
Дарахтлар –  
Кун бўйи  
Суради хаёл.

\* \* \*

Юрап эдим  
Бошим ёрилиб,  
Оғриса ҳам  
Ўтмайин жондан.  
Бугун беиш  
Ётибман, қаранг!..  
Қўлларимни узиб  
Осмондан...

\* \* \*

Борса келмас йўлларга тушдим,  
Қўллар азоб, сабрнинг ашки.  
Мени қайга етаклаб борар  
Дардлардан баҳт ундириш машқи?!..

\* \* \*

Тақа-тақ ёпилган эшикларингни  
Очиб, турмушингни бир кўрайин деб,  
Тўрт бор деворингга бошимни урдим,  
Хаёт, кўзларингга тик қарайин деб.

\* \* \*

Жавондаги идишларимни  
Битта-битта артаман суюб.  
Суратларин чизгим келади,  
Ёнбошига сабрини қўйиб.  
Бардошига суяниб олиб,  
Йигай демас оёғин бундай.  
Мехмонми ё тадбир бўлмаса,  
Ўн икки ой туради шундай.

## МУНДАРИЖА

Самарқанд.....	3
Тупроқ иси .....	4
«Йўлларим...» .....	5
«Толмоқда...» .....	6
Бахор .....	7
«Омонжоним омон бўлсин...» .....	7
«Бу уммон нақадар баҳайбат...» .....	8
Табассум.....	9
«Олислардан куй саси келар...» .....	10
«Бир кун бошим деса...» .....	11
«Бир кечада сочи оқарди...» .....	11
Багрингизда ўссин болангиз .....	12
Душманимга .....	13
«Чексиз уммон...» .....	14
«Дараҳтлар...» .....	15
«Шамол бошин уради бокқа...» .....	15
«Кетар бўлсам...» .....	16
«Баъзан ғолиб келади ҳаёт...» .....	17
Дард .....	17
Тупроқ табассуми .....	17
«Баъзан ҳеч кимсани...» .....	18
«Анча узок юрдим...» .....	19
«Мен мовий, мусаффо кенглиқдек...» .....	20
Устозлар .....	21
Бир сафга тизилиб...» .....	22
«Кимдир қорни қоқиб келаётгандай...» .....	22
«Қўрқинчли бир алпоз...» .....	23
«Қиртишлайсан, эзасан...» .....	24

«Тұхтагандек бўласан бирпас...» .....	24
«Мен идрок этяпман...» .....	25
«Гоҳ қушларга қўшилиб учсанг...» .....	26
«Бу дунёning кирдикори кўп...» .....	27
«Сиз қайси кун келдингиз менинг...» .....	27
«Мени кимдир билар, кимдир билмайди...» .....	28
«Ўзинг ягонасан, ўзинг бекиёс...» .....	28
«Вақтимни...» .....	28
«Отамдан...» .....	29
Умид .....	30
«Ватан учун...» .....	31
«Яшаяпсан...» .....	31
«Туннинг пардасини йиртиб ҳайқирап...» .....	32
Тинчлик .....	33
Яхшилар ёди .....	34
«Кетаяпман жимгина...» .....	35
Ойсулов .....	36
«Кўзларимни ерга қададим...» .....	37
Шойи рўмол .....	38
«Юрагим гуллади...» .....	39
«Мен майса, мен япроқ...» .....	40
«Мунаввар манзилга кетяпман...» .....	41
«Кўнглимни қолдиринг...» .....	41
«Ҳеч нима қолмади зулматдан ўзга...» .....	42
«Ажрата олмадим...» .....	42
«Мени ўзинг кечир...» .....	43
«Узилган гул каби...» .....	44
«Келишинга жонимни тиқдим...» .....	45
«Яашани билмадим...» .....	46
Нაъматак .....	47
«Шошилиб келдингиз...» .....	48
«Олиб кетаяпсиз...» .....	49
Мен бинафша бўлиб кетяпман .....	50
«Эллик ёшдан ўттиз иккини...» .....	51
«Орқага қарама...» .....	52

«Ям-яшил ўт бўлиб...» .....	53
«Узлат, мени қандай...» .....	53
«Кетсам...» .....	54
«Бу йўллар...» .....	54
«Менинг қалбимда ҳам...» .....	55
«Мен оқлай олмайман...» .....	56
«Узоқлаб кетаяпман...» .....	56
«Уйғонмоқчи эдим бугун саҳарда...» .....	57
«Бугун менинг чекимга тушди...» .....	58
«Кетмайман десам сендан...» .....	58
«Баъзан кўкка қиласан парвоз...» .....	59
«Қанча азобларни...» .....	59
Синов .....	60
«Қувлашмачоқ ўйнадик бирга...» .....	61
«Мен яшаган жойлар ободдир...» .....	61
«Мен ҳам бошқалардек...» .....	62
«Тупроққа ташлади мени ҳақиқат...» .....	62
«Менинг мавжудлигим...» .....	63
«Биламан, менинг ҳам жисму жонимга...» .....	63
«Менга кўнгил беринг...» .....	64
«Елкамда тоғ – чўкиб кетяпман...» .....	65
«Неча йилdir мавжуд...» .....	65
«Кўзларим қаросига...» .....	66
«Ҳали ҳам йўлларим...» .....	66
Эътироф .....	67
Онамга .....	68
«Мен аршда юрибман...» .....	69
У .....	70
«Мен ўзимни енга олмадим...» .....	70
Эсламадингиз .....	71
Мангур кураш .....	72
«Юз ўғирдим итлар зотидан...» .....	73
«Бутун умр кутган эди у...» .....	73
«Айтмайман...» .....	74
«Сен қаердан биласан менинг...» .....	74

«Сүзлар...».....	75
«Күнгилни илғамоқликтини...» .....	76
«Күнглим...».....	77
«Умрим тугаб бормоқда...» .....	78
«Аламнинг...».....	78
«Қанча улкан бўлмагин...» .....	79
«Болаликда...».....	79
«Мен бугун ўзимни...» .....	80
«Катта йиғин бўлар...» .....	81
«Кўзларингга бокмас, сени кўрмайди...».....	82
«Мен ҳам ожизамас...».....	83
«Йўлбарс менга қондоши...» .....	84
«Мен ёзаяпман...».....	85
«Хазонлар бир қўшиқ бошлар...» .....	85
«Ям-яшил арчалар юртига...» .....	86
«Ўзим билан ёлғиз қолган кезларим...» .....	87
«Мендан қолгани шу...» .....	87
«Бу дунё синиқ ойна...» .....	88
«Кўзларимни куйдириб...» .....	88
«Мен бандман ҳалиям...» .....	89
«Оҳ, мен анча толиққан эдим...» .....	90
«Ким ўзи у...» .....	90
«Зўрман демадим мен...» .....	91
«Ўзингни намоён этишинг учун...» .....	91
Аёл.....	92
«Ҳов ана...» .....	97
«Бу йўл жуда оғир...» .....	98
«Мен хирмон кўтардим...» .....	98
«Энди ҳеч ким мени енголмас...» .....	98
«Тонгдек янги...» .....	99
«Кийналиб кетди осмон...» .....	99
«Мен кимман...» .....	100
«Хазонлар заминга эниб ёлворар...» .....	101
«Мен ҳам бир жонзотми?» .....	102
«Отиб юборасан осмондан оташ...» .....	102

«Бунчалар фараҳли...» .....	102
«Ҳар қанча сўз айтмайин ёниб...» .....	103
«Вақт шунчалар абжир, югурик...» .....	103
«Мен хаёлот юртида телба...» .....	103
«Сиз чивиқсиз, мен пахталик енгдирман...».....	104
«Қандай гўзал...» .....	104
«Ҳаётдан ҳаёт изладим...» .....	104
«Вужуд асли ўткинчи ўзи...» .....	105
«Бу тупроқнинг нигоҳи ҳорғин...».....	106
Дуо .....	107
Ижодхонамга .....	108
«Сизни кўп эслайман...» .....	110
«Кўз ўнгимда жимиirlар уммон...».....	110
«Ўзингни босасан...» .....	111
«Мен дунёга келдим...» .....	112
Янги йил.....	113
«Хукмбардор тақдирни менга...».....	114
«Қанча довон ошдим...» .....	115
«Мен шу дунё каби қадими...».....	115
«Олиб кетар рухимни бир кун...» .....	116
«Адашсам, улоқсам...» .....	117
«Мен кўзини очдим...».....	117
«Сенга олтиндан тож...» .....	118
«Февралнинг охири...».....	119
Ватан химоячилариға.....	120
«Билмадим...» .....	121
«Мен баъзида...» .....	121
«О, мен сени қучяпман ўзим...» .....	122
«Вақтимни ўғирлаб...» .....	122
«Ўтлоқдаги шудрингдай...» .....	123
«Ҳўқизнинг шохид...» .....	123
«Қанча умрим қолган...».....	123
«Елкамга битта дард...» .....	124
«Эгнимдан...» .....	124
«Яrim тун ошқозон безовта қилар...» .....	124

«Ҳали ҳаётман мен...».....	125
Қор.....	126
«Ҳали ишқнинг давосини...».....	126
«Шикоят қиласыпман...» .....	127
«Сенинг караминг кенг...» .....	127
«Мен дунёга келиб...» .....	128
«Тун ярмидан оғган...».....	129
«Мен күзга күрінмай...».....	130
«Қандай дунёсан ўзи...».....	130
«Вақт менга зуғумин...».....	131
«Мен ҳам тирикман ё...».....	132
«Қанчалар хатарли...» .....	132
«Бу дунёнинг эшиклари берк...» .....	133
«Жимгина ўламан...» .....	133
Февралнинг охири.....	134
«Денгизга ўхшайди бу ҳаёт...» .....	134
«Ҳаёт билан битимга келдим...» .....	135
Мен узоқ инградим...» .....	135
«Узоқ юриб толикиб, ҳориб...» .....	135
«Ҳаёт олиб күйди қўлда боримни...» .....	136
«Мен қандайин тирик юрибман...».....	136
«Бир парча сурат бу...» .....	137
«Мен емрилиб кетган бир қоя...» .....	138
«Баҳор гулларидек...» .....	139
«Наҳотки мен тирик мавжудот...».....	139
Йўлда.....	140
«Үйим деворлари тураг жиҳозсиз...» .....	141
«Апрель...» .....	141
«Мудхиш бир жиноят...» .....	142
«Қизил-қўнгир жило бериб сочиға...» .....	142
«Мен ҳеч кимдан...» .....	142
Мехр .....	143
«Ажинларин йўқотмоқчидек...» .....	144
Сеҳрли бармоқлар .....	145
Аҳд.....	146

«Келаяпсан ҳануз хаёлан...».....	147
Марсия .....	148
«Узок ўргандим мен...».....	149
«Мен ноҳақ эканман...» .....	149
«Мен ҳеч нарса ёза олмадим...».....	150
«Мен тўртта қаторга...» .....	150
«Мен ҳали тирикман...».....	151
«Менинг васиятга ноил...» .....	152
«Мен сени элтаман, кўнглим, ўксима...» .....	153
Омон бўл.....	154
Йўл.....	155
«Жуда гуноҳкорман...».....	156
Ризолик.....	158
«Ҳамма шошайти...» .....	160
«Печага термулиб қарайман, ана...» .....	161
Хастанинг ҳасрати .....	162
«Япроқлар шитири...».....	163
«Тугаб бораверсам...» .....	164
«Қорли тоғлар, ойдин кўуллар...».....	164
«Мен шундай илохий...».....	165
«Менинг оёқларим...» .....	166
«Кўнгир рўмолини...» .....	167
«Юрап эдим...» .....	167
«Борса келмас йўлларга тушдим...» .....	168
«Тақа-так ёпилган эшикларингни...» .....	168
«Жавондаги идишларимни...».....	168

*Адабий-бадиий нашр*

ЖУМАГУЛ СУВОНОВА

**ТУПРОҚ ИСИ**

*Шеърлар*

Мұхаррир У. Құчқоров  
Бадиий мұхаррир Ж. Адилов  
Саҳифаловчи М. Алимбеков

Нашриёт лицензияси № 181. 08.12.2011 йил.

Босишига 04.04.2014 да рухсат берилди.

Бичими 70x90<sup>1/32</sup>. Офсет усулида босилди.

“Times New Roman” гарнитураси. Шартлы б.т. 7,5.  
Нашр-ҳисоб т. 7,5. Адади 2000 нұсха. Буортма № .

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “ADIB” нашриёти.  
100027. Тошкент, “Ўзбекистон” күчаси, 16<sup>А</sup>-үй.  
Тел.: (8371) 245-89-24.